Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 304 (13.260).
29 ДЕКАБРЬ 1965 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

1965 йил учун белгиланган чакана товар оборотининг давлат плани 27 декабрда муддатидан илгари бажарилди.

Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг ҳажми 1965 йилда 103 миллиард сўмдан кўпроғини ташкил этади ҳамда ўтган йилдагига қараганда солиштирма нархларда қарийб 10 процент кўпаяди.

ФОТОЛАВҲАЛАР

Ўртоқ М. Абдуллаев бошлиқ бригада Деков районидаги «Москва» колхозининг юқори ҳосилли бригадаларидан биридир. Тажрибали деҳқон раҳбарлик қилаётган бу бригада 92 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 ўрнига 39 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарди. Бригада аъзолари келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратаётирлар. Улар шудгорлашни тугаллаш арафасида турибдилар. Суратда: бригадир Ўртоқ М. Абдуллаев. Пастдаги суратда эса ана шу колхознинг яна бир юқори ҳосилли бригадаси бошлиғи Мамарайим Ҳакимовни кўриб турибсиз. Хўжалик йилнинг ажойиб кўрсаткичлар билан якунлаган мазкур бригада ҳам қишки тадбирлар муваффақиятли равишда амалга оширилаётир.

А. Тўраев фотолари.

РАҲБАРНИНГ ОБРЎСИ

Ҳар бир раҳбар, партиянинг ҳар бир ходими, ҳар бир коммунист, ҳар бир инсон учун кўпчилик ҳурматига сазовор бўлишдан, обрў-ҳурмат орттиришдан улуғ бахт борми? Обрў-эътиборга эришиш ғоят қийин, у, томчилардан денгиз пайдо бўлганидек, мисқол-мисқоллаб йиғилади. Бунинг учун неча йиллар курашиш, халқ учун хизмат қилишнинг шарафли, машаққатли синовларидан ўтиш, одамларнинг ишончини оқлаш керак. Лекин сал бепарволик натижасида ундан маҳрум бўлиб қолиш ҳам мумкин. Раҳбар нелажанни кўра билиши, илғор дунёқараши, бой ички кечинмалари билан, одамлар қалбига йўл топиш санъати билан обрўлидир. Бундайларни халқимиз севади, иззат-ҳурмат қилади.

КПСС раҳбарларининг ленинча принципларини ҳамиша ривожлантириб, такомиллаштириб бормоқда. Коммунизм қурилиши авж олдириб юборилган ҳозирги даврда кишиларга, хўжаликка бошчилик қилиш ғоят мураккаблашди. Чунки одамларимиз ўсиб кетди, уларнинг билими, дунёқараши кенгайиб, қаётда муносабати ўзгарди. Бундай юқори савияли талабчан оммага бош бўлиш учун киши нақадар билимдон, доно, тадбиркор, ташкилотчи бўлиши керак! Бизда Ленин типидаги, ленинча ишчил, коммунизм ишига бутун ҳаётини бағишлаган, меҳнатдаги шахсий намунаси билан оммага етакчилик қилаётган янги, билимдон раҳбар ходимлар кўплаб камол топмоқда. Коммунистин қурилишнинг қайси участасига борманг, ўзининг жўшқин фаолияти, оташин сўзи, тадбиркорлиги, ташаббускорлиги, одамларга меҳрибонлиги билан обрў-эътиборга эришган партия раҳбарларини учратасиз. Партиямиз улар билан фахрланади. Ҳаммага аён: қаерда софдил, қобилиятли, обрўли раҳбар бўлса, ўша ерда иш яхши кетади, ишлаб чиқариш топшириқлари муваффақиятли бажарилади. Ваъдасининг устидан чиқмайдиган, мураккаб шароитларда дадиллик кўрсатмайдиган, кўпинча иккиланиб турувчи раҳбар қандай қилиб бошқаларга сўзини ўтказа олади, қандай қилиб йўл кўрсата олади!

Раҳбар учун ўз касбини, ишлаб чиқаришни билишнинг ўзигина кифоя қилмайди. У одамлар билан муомала қилишни билиши, уларнинг қалбига йўл топиш санъатини эгаллаши, коллектив аъзоларига меҳрибон бўлиши, ҳамиша коллектив фикрига қулоқ солиши керак. Раҳбар сиёсий жиҳатдан чиниққан, ҳар бир масалага ленинча нўз билан қарайдиган бўлгандагина иш юришади. Ўзига зеб берган, дамдўз раҳбар кишиларни ўзидан бездириб қўяди. Камтарин, кувноқ, меҳрибон, бошқаларга далда бера оладиган бошлиқни ҳамма севади.

Андижон область, Бўз район партия комитетининг секретари Абдурашид Исмоилов ҳали ёш, партиявий ишга ўтганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, уни райондаги каттаю-кичик яхши танийди, ҳурмат қилади. Секретарь қайси қишлоққа борса, ҳаммё саминият билан кутиб олади. Чунки Ўртоқ Исмоилов кўп вақтини омма орасида ўтказади. Меҳнаткашларнинг турмушини чуқур ўрганади, уларнинг фикр —мулоҳазаларига қулоқ солади. Назарий, сиёсий ва иқтисодий масалаларни яхши тушунади. Бу секретарга райондаги муҳит билан ҳамнафас бўлиш, кўп масалалар юзасидан тўғри йўл тутиш иқкониятини беряпти. Райком секретари хўжаликларнинг раҳбар кадрлари, активлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган, уларга ҳамиша таянади, яхши ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Дарвоқе, Исмоилов каби обрўли, кишилар ишончи, муҳаббатини қозонган раҳбар кадрлар бизда кўп.

Баъзан шундай раҳбарлар ҳам учрайдики, улар маълум мартабага, муваффақиятга эришгач, кеккайиб кетадилар, одамларни менсимай, ўзбошимчалиқ йўлига тушиб олишади. Коллектив фикри билан ҳисоблашмайди Утмишдаги баъзи бир хизматларига маҳлиё бўлиб, партия интизомини бузишади. Улар ҳар бир коммунист учун бир хил партиявий интизом борлигини унутиб қўядилар. Айрим ходимлар бўлар-бўлмасга одамларнинг дилига озор бериб қўйишади, қўпол муомалада бўлишади. Бундай раҳбарлар эл назаридан қоладилар, уларга кишилар ихлос қўймайдилар. Раҳбар одамларга ҳар тарафлама намуна бўлиши, бошқалар унга тақлид қилиши керак.

Ўзининг обрўсини кетказиб қўйиш ишимизга, янги жамият қуриш йўлидаги курашимизга фойда бермайди, аксинча кишиларнинг меҳнат активлигини сусайтиради, масалан, Тошкентдаги ихтисослаштирилган ҳарф териш фабрикаси партия ташкилотининг собиқ секретари Ўртоқ К. Қурбоновни олиб кўрайлик. Партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида корхона коммунистлари уни секретарликка қайта сайлашмади. Нима учун? Чунки К. Қурбонов фабрикада партиявий-ташкилий ишларни бўшаштириб юборди, коммунистларни ишлаб чиқаришга актив жалб қила олмади. Бунинг устига, у коллектив аъзоларига қўпол муомала қилди, буйруқбозлик билан шуғулланиб, «мен айтдимми — вассалом!» қабилида иш тутди. Оқибатда секретарь коллектив орасида обрўсини йўқотиб қўйди, Бўка районидаги 22-автобаза коммунистлари ҳам Б. Пернебековни партия ташкилотига секретарь қилиб сайламадилар. Коммунист раҳбар учун бундан ҳам ачинарли ҳол бўлмаса керак! Бу ҳол К. Қурбонов ва Б. Пернебековга ҳам, бошқаларга ҳам катта сабоқ бўлиши лозим.

Коммунистик жамият қурилиши қизитиб юборилган ҳозирги даврда КПСС нинг, демак партия раҳбарининг ҳам халқ орасидаги обрў-эътибори, масъулияти янада ошди. Эзгу мақсад йўлидаги кураш ундан оммага бош бўлишнинг ленинча усулларини такомиллаштира боришни, ўз устида тинмай ишлашни, хўжаликни юритиш маҳоратини пухта эгаллашни тақозо этяпти. Масъул коммунистлар, деб таълим берган эди улуғ Ленин, революцион ўтмиши билан мақтаниш ўрнига, раҳбарликнинг ҳамма нозик томонларини билиб олишлари лозим; бирор ишни уддалай олмаса, қайтақайта, то уни уддалагунга қадар уринсинлар. Шундагина илгари қозонилган обрў мустаҳкамланади ва ўсади, топширилган иш эса олга силжийди.

КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари коммунистик қурилишнинг, жумладан, хўжаликка раҳбарликнинг ягона тўғри йўлини белгилаб берди. Партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ҳамда СССР Олий Советининг VII сессияси эса янги беш йиллликнинг дастлабки йили — 1966 йил режаларини чизиб берди. Буларнинг ҳаммаси ғоят илҳомбахш, ҳаётбахш тадбирлардир. Уларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан раҳбар кадрларга, уларнинг одамлар билан ишлаш қобилиятига, қоларверса эл орасидаги обрўсига боғлиқ.

Республикамиз меҳнаткашлари улуғ мақсад йўлида дадил одим ташлаб бормоқдалар. 1965 хўжалик йилининг якунлари ҳаммамизни қувонтиради. Бироқ биз бу билан мағрурланиб кетмай, энди келажак ҳақида, келаси йилда қиладиган ишларимиз тўғрисида кўпроқ ўйлашимиз зарур. Вазифалар, режалар равшан. Уларни юзага чиқариш учун янада зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб курашадиган давр келди. Оташин етакчилар, партиямизнинг пўлат иродали солдатлари, Ленин типидаги жанговар, ишчан, ташаббускор, обрўли раҳбар кадрларимиз бу курашнинг биринчи сафларида боравердилар.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Зафар сатрлари

Бу йил Хоразм областида 265 километр узунликдаги юқори вольтли янги электр линияси тортилди. Учта пасайтирувчи подстанция ва 77 та трансформатор пункти ишга туширилди. Урганч ва Хивадаги, Гурлан, Қўшкўпир ва Хонқадаги янги корхоналар ва уй-жой массивлари, неча ўнлаб колхозлар Тахиатошдан энергия ола бошлади.

◆ ◆

Янги йил арафасида Андижонда янги даволаш комплекси — областда энг йирик бўлган 180 ўринли туғруқхона фойдаланишга топширилди. Оналар ва чақалоқларнинг бу саройи энг яхши медицина ускуналари билан таъминланди.

Наманганда универсал магазин қуриб битказилди.

◆ ◆

Ленинскдаги ёғ-экстракт заводи етти йиллик топшириғидан ташқари дастлабки минг тонна пахта ёғи ишлаб чиқарди. Корхона коллективи декабрь ойида йил бошидан буён тежаб қолинган экстракцион бензиннинг ўзи билан чигитни қайта ишлаб келмоқда.

Завод усталари чигит тозалайдиган бўлимни ўз кучлари билан реконструкция қилдилар ва банкдан олган узоқ муддатли карз ҳисобига анча мукаммал машиналар ўрнатдилар. Цехни энг янги техника билан таъминлаш учун бўлган сарфларнинг ҳаммаси бир йил ичида қопланади.

◆ ◆

Андижон областидаги яна бир район—Ленин районн хўжаликлари шудгорлашни тамомлади. Яхши ўгитланган ва ўттиз-ўттиз беш сантиметр чуқурликда ҳайдалган салкам 27 минг гектар майдонга қўкламда чигит экилади. Бўз, Қўрғонтепа, Учқўрғон, Чуст ва бошқа районларнинг колхоз ва совхозларида ҳам экин майдонларини шудгорлаш ишлари тугалланди.

Андижон областида 330 минг гектар — ўтган йилнинг худди шу вақтидагига қараганда олтмиш минг гектардан знёд майдон шудгор қилинди. (ЎзТАГ).

ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТИ

Қашқадарё области чорвадорларининг съезд олди мусобақаси зўр меҳнат муваффақияти келтирди. Фермаларнинг меҳнаткашлари янги йил арафасида 20,6 минг тоннадан кўпроқ сут сотиб, давлатнинг йиллик план-заказини бажардилар. Ғузор, Қарши, Қамаши ва бошқа районларнинг хўжаликлари топшириқни анча ошириб адо этдилар.

Сурхондарё областининг чорвадорлари ҳам етти йилликнинг сўнгги йилини ғалаба билан тугалладилар. Улар сут сотиш йиллик топшириғини бажардилар. Сурхондарёлик чорвадорлар қабул пунктига 20,4 минг тоннадан кўпроқ сут топширдилар.

Ўзбекистонда ҳозир беш область пландан ташқари сут тайёрламоқда. Республика колхоз ва совхозлари сут сотиш йиллик планини бажариш арафасида турибдилар. (ЎзТАГ).

ПЎЛАТ БАШНЯЛАР ҚАД КЎТАРМОҚДА

Верхолазлар Бухоро—Урал газ қувури радиореле линиясида сўнгги 46-башняни монтаж қила бошладилар. Қирқ икки пўлат мачта ҳозирдаёқ тўла-тўкис тиклаб қўйилди. Ҳозир монтажчилар Қозоғистон территориясида сўнгги ишларни қилмоқдалар. Тайёр бўлган баҳайбат пўлат мачталар орасида баландлиги 111 метр келадиган учта мачта оор.

Трассага Венгриядан радиотехника аппаратлари келтирила бошланди. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашида қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги кооперация доирасида ана шу қардош мамлакат корхоналари эммасига радиореле линияларнинг шу типи учун техника етказиб бериш мажбурияти юкланди. Чўл шароитида бундай аппаратлар биринчи марта ишлатилади.

Бухоро—Урал магистрали бўйлаб радиореле линиялари қуриш янги беш йиллиннинг биринчи йилида тугалланади. Бу линия жуда катта газ қувурини бошқабишни автоматлаштириш имконини беради. (ЎзТАГ).

БИНОКОРЛАРНИНГ АЖОЙИБ ЮТУҒИ

Республика Қурилиш министрлигининг бинокорлик ташкилотлари етти йилликнинг якунловчи йилини меҳнатда ажойиб зафарлар билан тугалламоқдалар. Айниқса, уй-жой қурилиши кенг кўламда олиб бориляпти. Министрликка қарашли ташкилотлар етти йил мобайнида қарийб 4 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширдилар. Бу, 150 минг оила ҳовли тўйлари ўтказди демакдир. Ўзбекистон уй-жой қурилишида бундай суръат сира кўрилмаган эди.

1958 йилда Тошкентда ҳаммаси бўлиб 40 минг квадрат метр уй-жой меҳнаткашларга туҳфа қилинган. Бу йил эса шунча миқдордаги уй-жой бир ойнинг ўзида қуриб битказилмоқда. Ҳозирги вақтда пойтахтда ой сайин қарийб 1500 оила янги уйларга кўчиб кираётир. Чилонзор Тошкент шаҳридаги янги бир шаҳар бўлиб қолди. 1965 йилнинг ўзида бу массивда 170 минг квадрат метр ёки 6 минг квартира фойдаланишга топширилди.

Янги-янги саноат объектлари ҳам бирин-кетин ишга тушириляпти.

И. АҲМЕТОВ,
инженер.

ЁЗУВЧИЛАР ШОНЛИ ЭЛЛИК ЙИЛЛИККА АТАБ

Республика Ёзувчилар союзининг пленуми Ўзбекистон ёзувчилари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига қандай тайёргарлик кўраётганликлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

— Ана шу шонли саналарга бағишлаб, нашр этиш учун мўлжалланган 120 асардан ҳозирдаёқ йигирматаси ёзиб тугатилди, — деб маълум қилди пленумда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленнеси раисининг ўринбосари Асқад Мухтор. — Янги романлар, повестлар, пьесалар ва поэмаларда ана шу ярим аср давомида республикамиз ҳаётидаги энг муҳим даврлар ўз аксини топган. Кўпгина асарларнинг авторлари замондошларимизнинг тақдири ва ишлари тўғрисида, унинг ҳаётдаги ўрни, халқ олдидаги масъулияти ҳақида ҳикоя қиладилар.

Пленумда сўзга чиққан ёзувчилар, танқидчилар, нашриётларнинг редакторлари ўз режалари ҳақида гапирдилар, шоиқи саналарни кутиб олишга тайёргарлик кўриш юзасидан бир канча тадбирларни тавсия этдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов қатнашди ва нутк сўзлади. (ЎзТАГ).

Расмий хабарлар

КПСС ГОРЬКИЙ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ГОРЬКИЙ, 27 декабрь. (ТАСС мухбири). Бугун КПСС Горький область комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни муҳокама қилди. Ўртоқ М. Т. Ефремов СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинланганлиги муносабати билан пленум уни Горький область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди. Ўртоқ К. Ф. Катушев КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев иштирок этди.

Пленум қатнашчилари томонидан саминий кутиб олинган Ўртоқ Брежнев катта нутқ сўзлади.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ГОРЬКИЙДА

ГОРЬКИЙ, 27 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бу ерда КПСС область комитети пленумининг ишида иштирок этгач, бугун «Красное сормово» заводини бориб кўрди. Сормовочилар уни саминият билан табриклаб кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев бир қанча цехларни кўздан кечирди, кемасозлик саноатининг мана шу улкан корхонасида техникани тараққий эттириш истиқболлари тўғрисида завод ишчилари ва раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Л. И. Брежнев Горький автомобиль заводида ҳам бўлди. Бу ерда автомобилсозлар уни қизғин ва саминий кутиб олишди. Автомобиль заводининг раҳбарлари ва ишлаб чиқариш ходимлари билан ўтказилган суҳбатларда автомобиль саноатини янада ривожлантириш соҳасида мамлакат олдида турган вазифалар асосида корхона ишига тааллуқли энг муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев шаҳарда уй-жой ва маданий-маиший қурилиш қандай бораётганини, меҳнаткашлар турмушини қизиқиб суриштирди.

Бу суҳбатларда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Ефремов, СССР автомобиль саноати министри А. М. Тарасов, КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари К. Ф. Катушев, Горький область ижроия комитетининг раиси И. И. Чугунов, «Красное сормово» заводининг директори М. А. Юрьев, Горький автомобиль заводининг директори И. И. Киселев ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Кечқурун Ўртоқ Брежнев Горький шаҳри билан танишди ва шу куннёқ Москвага жўнаб кетди.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ҲУЗУРИДА

Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карлос Оливарес Санчес 27 декабрда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ҳузурида бўлди.

Элчи билан Н. В. Подгорний ўртасида саминий, дўстона вазиятда суҳбат бўлиб ўтди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВДРГА БОРАДИ

Вьетнам Меҳнатчилар партияси Марказий Комитети ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Н. Шелепин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси якинда Ханойга жўнайди.

ЮБИЛЯРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова 28 декабрда Ўзбекистон ССР халқ артисти ва халқ рассоми, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби ва хизмат кўрсатган артист деган унвон бериш тўғрисидаги Ёрлиқлари республика кино санъати ходимларидан бир группасига топширди. Улар совет кино санъатини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва «Ўзбекфильм» киностудияси ташкил топган куннинг 40 йиллиги муносабати билан ана шу унвонни олишга сазовор бўлишди. Республика кинематографчиларининг катта бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари топширилди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ОКЕАНГА ЧИҚМОҚДА

⊙ ҲАММА КЕНГЛИКЛАРДА ⊙ ШАҲАРЛАРНИНГ НОМИ БИЛАН АТАЛГАН КЕМАЛАР ⊙ АНТАРКТИДАДА УЧРАШАМИЗ ⊙ НЕПТУННИНГ ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ⊙ БАЛТИКАДАГИ ҚУҚОНЛИКЛАР ⊙ БИЗ ЗАНЖИБАРДАН КЕЛЯПМИЗ ⊙ МАШИНАЛАР, НЕФТЬ, ҚОҒОЗ ВА БАЛИҚ ОРТИБ

«Тошкент» — Ҳинд океанида, «Урганч» — Босфор бўғозида, «Фарғона» — Балтика денгизида, «Андижон»—Тинч океанда... Ватан байроғи остида сузаётган кемаларнинг суратлари жаҳон харитасининг мовий чизиқлари бўйлаб тез силжиб турар экан, узоқ кенгликларда ўз элдошингни учраттандай бўласан.

Ўзбекистондаги шаҳарлар, дарёлар, тоғларнинг номлари билан аталган кемалар ҳамма денгизлар ва океанларда меҳнат қилмоқда. Хўш, улар янги йилни қаерда, қандай қилиб кутиб олишади?

Москванинг марказида бир уй бор. Совет савдо флотининг байроғини кўтариб бораётган ҳамма кемаларга шу уйдан кўз илгамас минглаб иплар тортилган дейиш мумкин. Ўзбекистон телеграф агентлигининг махсус мухбири Е. Ефимов Ўзбекистон шарафига ном қўйилган кемалар билан СССР Денгиз флоти министрлигининг радиостудияси орқали алоқа боғлади.

Новороссийскда турган «Ўзбекистон» теплоходидан қуйидаги жавоб радиограммаси келди:

— Кемамизга ном қўйилган республика меҳнаткашлари билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаётганимиз билан ҳурсандмиз. Бизнинг рапортимиз шуки, янги йилни денгизда планни ошириб бажариш билан, вақти чоғлик билан кутиб оламиз. Янги йил шарафига қутловларимизни қабул қилишларингизни сўраймиз.

Капитан **Балашов,**
Капитаннинг биринчи ёрдамчиси **Данилов,**
Кема комитетининг раиси **Коваленко,**
Комсомол ташкилотчиси **Пономарев.**

— «Урганч» теплоходининг экипажи йиллик планни муваффақият билан адо этди, — деб радио орқали маълум қилади капитан Мельник, — ҳозирги вақтда Поти — Финляндия — Польша — Италия — Одесса сафарини тугаллаяпмиз. Оғир об-ҳаво шароитида ўтаётган шу сафардан қайтиш билан экипаж кабул қилган қўшимча социалистик мажбуриятлар ҳам бажарилади. Графикка нисбатан тезроқ сузиб боряпмиз.

«Ленинск» теплоходи Кавказ соҳилидан Антарктида томон йўл олган. «Советская Украина» кит овлаш флотилиясининг йўлига пешвоз чиқиш мақсадида жўнаган бу теплоход қўшимча равишда 350 тонна юкни қабул қилиб олди.

Кема ўз манзилига етгунча йилнинг тўрт фаслини кўради. Сафарнинг бошланиши қишга тўғри келди.

— Янги йилни жазирама Қизил денгизда кутиб оламиз, — деб радио орқали хабар беради капитан Девяткин. — Шундан кейин экватордан ўтиб, Нептун байрамини нишонлаймиз.

«Оқтош» танкери дунёнинг нариги бир бурчига жўнади. Ўша ерда ҳам совет овчилари меҳнат қилишмоқда. Кема шимолий Атлантикада «денгиз неъматлари»ни машаққат билан қўлга киритаётган балиқ овлаш флотилияси учун ёқилғи олтмоқда.

Мана, «Оқтош»нинг шериги — «Қўқон» кемасидан келган телеграмма. Денгизчилар бундай кемаларни «Систершипс», яъни опа-сингил кемалар, деб юритишади. Улар бир хил чертёжлар асосида, битта кемасозлик корхонасида ясалган...

— Йиллик топшириқни муддатидан олдин бажардик, — деб маълум қилишади капитан Захаров билан капитаннинг биринчи ёрдамчиси Мельников. — Бу, бизнинг КПСС XXIII съездига совғамиздир. Экипаж Ўзбекистон меҳнаткашларини янги йил билан чин кўнгилдан табриклайди. Ҳозир Швеция қиргоқларидан жонажон Клайпедага борямиз. Янги йилни денгизда кутиб оламиз. Янги йил кечасида фикри-зикримиз Қўқоннинг азамат меҳнаткашларида бўлади.

Бу гапларнинг маъзини чақиб кўринг-а. — Балтикачи қўқонликлар Латвиядаги Клайпеда шаҳрини жонажон шаҳар деб атамоқдалар. Шундай қилиб бу кема Латвия билан Ўзбекистон шаҳарларининг дўстлигида яна бир халқа бўлиб қолди.

Тинчлик, дўстлик байроғи остида сузаётган совет кемалари ҳамма қитъаларда вазиз меҳмонлардек кутиб олинмоқда. «Наманган» теплоходи Африка шарқий соҳилларн бинда ажойиб сафар қилмоқда. У Совет Иттифоқидан «қора қитъа»нинг ёш давлатларига уларнинг экономикаси муҳтож бўлган товарларни олтиб берди.

Кема Занжибар оролига автомашиналар билан бошқа хил техникани туширди. У ердан Кениядаги Момбаса портига металл, шундан кейин Могадишо портига (Сомали) цемент олиб борди.

«Тошкент» теплоходи Ҳиндистондаги Мадрас ва Кочин портларига Сахалин қоғозини эптиб берди.

«Самарқанд» танкери Владивостокдан кит ёғини юклаб, Роттердамга жўнади.

«Комсомолец Узбекистана» теплоходи Канададаги Сент-Жон портидан Балтикага қараб йўл олди.

Балиқ овлаш флотининг рўйхатларига назар ташлаб, яна таниш номларни — «Ўзбекистон», «Андижон», «Чирчиқ», «Фарғона» траулерлари ва рефрижераторларини кўрамиз.

Ўзбекистон шаҳарлари, дарёлари, тоғларнинг денгиздаги адашлари оғир ва фахрли хизматни ўтамоқдалар. Уларнинг ҳаммаси ўз юртдошларига янги йил табриги йўлламоқдалар.

... Республиканинг денгизга чиққан чегараси йўқ. Ленин қардош республикаларнинг портларига бирикитилган кемалар мовий кенгликлар узра унинг номини шараф билан кўтариб юрибдилар.

Ўзбекистон океанга чиқмоқда.

Москва, 27 декабрь.

КПСС МК сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз

МАСЪУЛИЯТ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи—етти йиллик фарзанди. Бу ерда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўпгина мураккаб технологик установкалар ўрнатилиб, ишга туширилди. Мамлакатимиз корхоналарига, чет элларга юборилаётган бензин, дизель ёнилғиси, электрод-техника мойи, битум ва бошқалар шу корхона маҳсулидир.

Заводимиз — мураккаб корхона. Шу сабабли бу ерда технологик жараённи узлуксиз такомиллаштириш керак. Бу—меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатини яхшилашга ёрдам беради. Ёш завод коллективи халқ хўжалигимиз талаб қилган улкан вазифаларни бажаришга қодир. Коллективимизнинг коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун олиб бораётган кураши яхши самаралар бераётир. Агар эришилган муваффақиятлар ҳақида гап борадиган бўлса, бу ерда ҳар бир кишининг масъулияти ошаётганини, ўзини заводнинг хўжайини деб ҳис қилиб иш тутаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин завод коммунистлари вазифаларни тагин ҳам пухтароқ, конкрет белгилаб олиш учун тўпландилар. Партия мажлисида сўзга чиққан ўртоқлар жон қуйдириб гапирдилар. Уларнинг сўзларидан завод учун чуқур масъулият ҳис этаётганликлари сезилиб турарди. Масалага шу тахлитда қараш яхши натижа бериши аниқ эди.

Маълумки, заводда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши асосий фондларга сарфланган ҳар бир сўмдан келадиган даромадга боғлиқ. Агар 1963 йилда асосий фондларнинг ҳар бир сўмига тушган фойда 29 тийин бўлса, бу йил асосий фондларнинг ҳар бир сўмига 15 тийиндан даромад тушади. Демак, фойда деярли тенг ярмига камаяди. 1963 йилги рентабеллик сақланганда, завод бу йил 19 миллион сўмдан зиёд фойда кўриши лозим эди. Лекин ўйланмай берилган план ташаббус кўрсатишга ҳалал етказди, шу сабабли бу йил зўрга 11 миллион сўм фойда олинди холос.

Хўш, бунга сабаб нима? Бунга сабаб ишлаб чиқариш қуввати ўсишининг нотўғри планлаштирилганидир. Янги объектлар қурилганда технологик жиҳатдан навбат билан қурилишига аҳамият берилмаганлигидир. Заводда қимматли комплекс қурилди, кейин эҳтиёж йўқлигидан у бекор қолаверди.

Яна бир мисол. Заводда мой ва электрод кокси ишлаб чиқариш установкалари ўрнатилган эди. Уларнинг нархи ҳам анча қиммат. Аммо қимматли бу установкаларнинг ишлаб чиқариш қувватидан атиги 40-45 процент фойдаланилмоқда.

Фондларнинг қоплашиши кескин камайиб кетишига асосий сабаблардан яна бири заводнинг нефть билан тўла таъминланмаётгани бўлади. Шу йилнинг ўн ойи ичида завод 90 минг тонна хом ашёни кам олди. Бунинг устига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз вақтида ташиб кетилмаётир. Демак, ишлаб чиқариш қуввати, бир тарафдан ошмоқда-ю, лекин, иккинчи тарафдан транспорт базаси илгаригича қотмоқда. Натижада график бузилаётир, бирғина октябрь ойида темир йўлнинг нормал ишлаши оқибатида план 4,1 процент ҳам бажарилди, кучли установкалардан бирининг тўхтатиб қўйилишига мажбур бўлинди.

Заводнинг нормал ишлашига халақит берадиган бошқа сабаблар ҳам бор. Улардан бири маҳсулот ишлаб чиқариш билан уни сотиш ўртасида номувофиқлик борлигидир. Бу ҳақда партия йиғилишида шундай бир мисол келтирилди. Саноат мойи ишлаб чиқариш плани уни тарқатиш планидагидан саккиз минг тонна ошиқ планлаштирилган. Ортиқча запас эса технологик процессларни тўғри олиб боришга халақит бераётир.

Шунингдек, коммунистлар Пленум қарорини муваффақиятли амалга ошириш, техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашни таъминлайдиган резервлар борлиги ҳақида ҳам гапирдилар. Бу жиҳатдан старший механик Н. Косолаповнинг фикри диққатга сазовордир. У, 2-цех ишчилари, инженер-техник ходимларининг таклифлари ҳақида гапириб, иш кунидан унумли фойдаланиш туфайли 9 минг сўм маблағни иқтисод қилиш мумкинлигини исботлаб берди.

Коммунистларимизнинг сўзи билан иши бир. Старший механик Косолаповнинг ўзи шу кунларда янги-янги резервларни қидириб топиш устида тинмай ишлаётир. Унинг фикрича, маҳсулот сифати учун курашда цехлар ўртасида хўжалик ҳисоби алоқаларини жорий қилиш зарур. Кўпроқ фойда келтирган цехларга янги техникани жорий этиш, илғорларни рағбатлантириш сингари тадбирлар учун қўшимча кўпроқ маблағ ажратилгани яхши.

Йиғилишда мамлакатдаги бошқа корхоналар билан ижодий ҳамкорлик қилиш, илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш, иш соатидан унумли фойдаланиш, брак маҳсулот ишлаб чиқаришга мутлақо йўл қўймаслик, маҳсулот таннархини тобора камайтириш ҳақида қимматли таклифлар киритилди.

Коммунистлар партия ташкилотининг фаолиятини оширишга қаратилган кўпгина фойдали фикрлар айтдилар. Давлат маблағини тежаш, хом ашё, материал ва ускуналардан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан коммунистларнинг бирлигига боғлиқ эканлиги конкрет мисоллар асосида таъкидланди.

Ҳозир завод инженер-техник ходимлари иқтисод назарияси ва ишлаб чиқариш экономикаси масалаларини ўрганмоқдалар. Семинар машғулотлари тугаллангандан кейин улар махсус комиссия олдида ҳисоб берадилар. Комиссия эса у ёки бу ходимнинг инженер-техник лавозимларида фойдаланишга лойиқлиги ёки нолойиқлигини ҳал қилади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумида саноат корхоналари ишлаб чиқаришини янада такомиллаштириш юзасидан конкрет вазифалар белгилаб берилди. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан ҳар бир коммунистнинг, меҳнаткашнинг ўз бурчини сидқидиллик билан бажаришига боғлиқ. Заводимиз коллективи, уларнинг авангарди — коммунистлар масъулиятни тўла ҳис этиб, ижодкорлик билан иш тутмоқдалар.

А. ШЕНДРИК,

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи партия комитетининг секретари.

АХЛОҚ, ОДОБ, ТАРБИЯ

АРДОҚЛАНГ-У, ЛЕКИН...

Қишлоғимизда кўпчилик кишилар фарзандларини ёшлигидан ҳалол меҳнат билан кун кечиришга ўргатадилар. Шунинг учун ҳам кўп ёшларимиз ўсиб-улғайганда оилага суянчиқ бўладилар. Лекин, қишлоғимизда болалигидан совуқ сувга қўл урмай, эрка ўсган ёшлар ҳам топилади. Уларнинг кибор, ношуд бўлиб ўсганига ким айбдор? Менимча, бу саволга дастлаб, уларни гўдаклигидан катта қилган ота-оналари жавоб бериши керак.

Ён қўшним, дўстим Нормуродни ёшлигидан биламан. Нормуроднинг авлод-аждоди Октябрь инқилобига қадар, ўзим сингари камбағал-қашшоқ бўлиб келган. Инқилобдан сўнг биз сингари фақир кишилар учун янги турмуш бошланди. Ойлар, йиллар ўтиши билан Нормурод ҳалол меҳнат қилиб донг чиқарди. Янги тузилган колхозда бригадир бўлди, халқ орасида иззат-ҳурмат топди. Бир йили колхоз аҳли маслаҳатлашиб Нормуродни раисликка лойиқ кўрди. У узоқ йиллар колхозга раислик қилди, хўжаликни яхши бошқариб турди. Қанчадан-қанча ёру дўстлар орттирди. Неча бор давлатимизнинг мукофотларига сазовор бўлди.

Бир вақтлар фақирликда яшаган Нормуроднинг уй-жойларини, мол-дунёсини кўрган кишилар унинг турмуши, маишатига ҳавас билан қарашарди. Хуллас, егани олдида, емагани ёнида, ҳавас қилса арзийди. Лекин Нормурод турмушда муҳим бир нарсани унутиб қўйдики, бунга ҳали-ҳали пушаймон қилади. У иш билан бўлиб, фарзандларига тарбия беришни ўйламади. Ўғиллари — Набижон билан Носиржонларнинг одоб-хулқи билан иши бўлмади. Қайси ота фарзандларини севмайди. Нормурод ҳам болаларини жон-дилдан яхши кўради. Оилада Набижон билан Носиржоннинг айтгани-айтган, дегани-деган эди.

Очиғини айтсам, қўшним Нормурод болаларининг келажаги билан астойдил қизиқмади, уларни меҳнат қилишга, мустақил турмушга ўргатмади. Оилада уларнинг тарбиясига эътибор бермади. Мактабда қандай ўқишлари билан ҳам иши бўлмади. Мактабдан ота-оналар мажлисига чақиришганда ҳам, раис вақт йўқ, деб бормасди.

Ота-онасининг эрмалашларидан талтайган Набижон билан Носиржон эса мактабда ёмон баҳоларда ўқишар, меҳнатнаш оналарнинг болалари билан дўстлашишни ҳам эп кўришмасди. Отасининг қўлидаги колхоз машинасидан тушмай, катта-ю кичикни писанд қилмай ялло қилиб юришарди. Набижон билан Носиржон ёмон ўқишига қарамай, синфдошлари орасида ўзларини ҳаммадан билимдон, уддабурон қилиб кўрсатишарди. Турмушни яхши тушунмаган айрим ёшлар ҳам уларга қараб, обрў ўқишда эмас, бойликда экан-да, деб ўйлашар, дарслардан кўнгиллари совурди. Ёшлар яхши хулқи, билимга чанқоқлиги, умуман яхши фазилатлари билан бошқалардан ажралиб тургани яхши. Лекин Набижон билан Носиржон ҳаддиларидан ошиб, юриш-туришда, ясантусанда, ёеодоблиқда бошқа ёшлардан ўзларини ажратиб кўрсатишарди.

Дўст ачитиб гапирар, дегандай Нормуродга болаларининг хулқи-одоби тўғрисида бир неча бор ўртоқларча маслаҳат қилдим. У гапларимни тингладй-ю, лекин мен нутганимдан бошқача жавоб берди.

— Биз ўтмишда кўрган қийинчиликларни болаларимиз кўрмасин, улар яйраб, ўйнаб-кулиб ўсишаверсин, истаганини қийиб, истаганини еб-ичиб, кўнгиллари тусаган ишларни қилиб юришсин, — деган мазмунда жавоб берди Нормурод.

Дўстим очиқкўнгиллик, гамхўрлик билан гапирди-ю, лекин менимча у бир нарсада янглишди. Чунки, одам — қилган меҳнати, яратган неъмати билан гўзал-да. Одам меҳнат қилиб, бирор нарса яратса, албатта аввало ўзи шундан завқланади. Ҳориб-чарчаса ҳам, бир яхши ишни битирганидан шодланиб, боши кўкка етган одам ларни кўп кўрганман. Нормурод болаларини шундай қувончли меҳнатга ўргатишни улар учун қийинчилик деб тушунди. Фарзандларини мустақил меҳнат қилиш қувончидан маҳрум этди.

Оқибат нима бўлди? Набижон билан Носиржонларнинг бўйи етиб, ўрта мактабни тугатгач, қаёққа боришни, нима қилишни билмай қолдилар. Кексайиб қолган Нормурод ўғилларини ҳар қандай йўл билан, кўп харажатлар қилиб, институтга ўқишга жойламоқчи бўлди. Набижон билан Носиржонларнинг ихлоси бўлмаса ҳам, улардан бирини Тошкент медицина институтига, иккинчисини Тошкент давлат университетига киритиб қўйди. Йигитлар илм-фанни ўрганиш йўлидаги қийинчиликларга, табиийки, бардош беролмадилар. У ерда ҳам қунт билан ўқиш, дарс тайёрлаш ўрнига, маишатга кўпроқ қизиқдилар.

Ўқишга киришда конкурсдан ўтолмай қайтиш-ку уят эмас, чунки, кимнинг истеъдоди юксакроқ бўлса, ўшалар ўқишга тезроқ қабул қилинадилар. Бир марта конкурсдан ўтолмаганлар, ғайрат-ихлос билан тайёрланса, яна сафар, албатта ўқишга киришлари мумкин. Лекин Набижон билан Носиржон бир неча йил вақтларини беҳуда ўтказиб, ўқишни ташлаб кетдилар Улар қишлоқка қайтиб келишганда, уларнинг ўрнига бошқалар хижолат бўлишди. Қишлоқда бу йигитлар бирор касбнинг бошини тутмай, «бизни уйлантириб қўясан» деб, отасига ҳарҳаша қилишди.

Яқинда дўстим Нормурод билан фарзандлар ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Қўшним болалари тўғрисида ғамхўрлик қилмади, демоқчи эмасман. Йўқ, у фарзандларига ғамхўрлик қилавериб, сочлари тўкилди. У ҳаддан ташқари, кўпинча ўринсиз ғамхўрлик қилди.

— Ҳа, ўзимдан ўтибди,— деди қўшним афсусланиб. — Уларни ардоқлабмач-у, лекин... Одамийликни ўргатмабман.

Ниҳоят, қўшним Нормурод неч бўлса ҳам фарзандларига тарбия беришда йўл қўйган хатосини тушунди. Бунинг учун расман уни бироз айбламайди. Лекин, Нормуроднинг виждони одил ҳукм чиқарди: у энди фарзандларини тўғри йўлга солиб, меҳнаткаш, азиз одамлар қаторига қўшиши керак. Чунки пўлат ўтда, одам меҳнатда тобланади. Ҳурматли газетхонлар, сизлар фарзандларингизни, ёшларни тарбиялашда қандай йўл тутасизлар, шу масалани севимли газетамиз саҳифасида муҳокама қилсак.

О. ҲАМРОЕВ,

Бухоро область, Гиждувон райони, «Пахтаобод» колхози.

МАЗАЛИ НОНЛАР ҚАНИ?

Республика озиқ-овқат саноати министрлиги диққатига

Нонларнинг хили ниҳоятда кўп. Яхши пиширилган нон кишига роҳат бахш этади, кўнглини чог этади. Уларнинг хилма-хиллиги, шакли кўзларни қувонтиради, сахий дастурхонимизни безайди.

Нон даврлар оша неча-неча кўринишларга эга бўлмаган, қанчадан-қанча усуллар билан пиширилмаган, қандай масаллиқлардан тайёрланмаган дейсиз. Уларнинг хили ҳам, масаллиғи ҳам кўп ва турлича бўлган. Кишилар бора-бора нонни саралаб тўқ тутадиган, иштаҳа билан ейиладиган, дастурхонга зеб бўладиган, олиб юришга, сақлашга қулай хилларини авлодлардан-авлодларга мерос қолдирганлар.

Ризқи рўзимиз, тирикчилигимизнинг боши нондир. Халқимиз бир кишини олқамоқчи бўлса, нондек азиз бўл, дейди. Нон увоғи оёқ остида қолган бўлса, пуф-пуфлаб кафтимизга оламиз. Чунки нон ҳам нон, нон увоқ ҳам нон. Нонни ардоқлаган одам кам бўлмайди. Аслида нонни эъзозлаш ғаллакор, меҳнатини ҳурматлаш, новвой меҳнатини улуғлаш эмасми. Худди шундай!

Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида меҳнаткашларга ҳар куни мингдаб тонна нон етказиб берилмоқда. Бу маъмурчиликнинг нишонаси. Нон ёпиш йил сайин ортмоқда, нон дўконлари тармоғи тобора кенгаймоқда. Пойтахтнинг ўзида ошхона, ресторан трестлари новвойхоналаридан ташқари саккизта механизациялашган нон заводлари ишлаб турибди.

Меҳнаткашларнинг фаровонлиги ўсиб, ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадлари кўпайиб, харид қувватлари ортган сари нон ва нон маҳсулотларига, уларнинг хили, сифатига бўлган талаб-эҳтиёжлари ҳам ўсиб бормоқда. Нон заводлари, новвойлар буни ҳисобга олиб, ўз ишларини тобора такомиллаштиришлари, нонлар хилини ва сифатини оширишлари лозим. Бу соҳада айрим тадбирлар амалга оширилмоқда.

ТЕМИР «ҚЎЛЛАР»

Новвойнинг иши пўлат қуювчиникидек оғир, машаққатли. У бир дона кулчани эл дастурхонига инъом этиш учун икки карра ўт ичга кириб чиқади...

Ҳозирги энг кичик нон заводида бир кеча-кундузда юз мингдаб дона нон тайёрланилмоқда. Бу темир қўллар — механизациялашган тандир ноннинг мададкор бўлмоқда. Масалан, Тошкентдаги 3-нон заводида ҳамир қориш, нон ясаш, пиширишда механизация зиммасида. Улкан темир қозонларга бир томондан ун, иккинчи томонда ҳамиртуруш, номокоб келиб тушади. Катта темир «қўллар» ҳамирни тобига етказади. Ҳамир думалоқлаб, ўлчаб, кесиб берилади. Зангори лента уларни нон ясовчилар қўлига элтади. Нон ясалиб чакич урилгач, темир лента уларни улкан печга олиб кириб кетади. 7 минут ичида «зангори олов» тандирида анордек қип-қизариб пишган нон яна лента лардан ёғоч этажеркалар томон оқади. Заводнинг газга ўтиши катта иқтисодий фойда берди. Нон тайёрлаш вақтини қисқартирди. Илгари бир кеча-кундузда 40-50 тонна кўмир ёқиларди. Бунга қанча одам овора эди. Атрофни босган қурумни айтмайсизми?! Ҳозир завод территорияси озода. Бу ерда бир кеча-кундузда 170-180 тонна нон ёпилянти. Заводни янада кенгайтириш, уннинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш тадбирлари мўлжалланмоқда. Шунингдек, заводнинг ижодий коллективи нонлар турини кўпайтириш ҳақида ҳам бош қотирянти. Шу кеча-кундузда бу ерда 20 га яқин хил нон ва сухари, рулет тайёрланмоқда.

Яқинда сутли кулча тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди. Тез кунда бу хил нон ҳам эл дастурхонини безайди.

Иккинчи нон заводида ҳам оғир меҳнат жараёнини механизмлар зиммасига юклашда анча ишлар қилинган. Ҳозир бу ерда байрам нон, қашқар нон, гижда, оби, кулча, патир тайёрланмоқда. Завод бир кунда ўнлаб магазинларга нон юборянти. Лекин корхонага ҳали газ келмаган. Корхона дирекцияси ҳам, «Ўзбекхлеб» трести раҳбарлари ҳам табиий газнинг шарофати ҳақида кўп гапирадилар-у, лекин амалий ишга ўтганлари йўқ.

КУЙГАН НОННАР

Редакцияга келаётган хатларни варақлаймиз. Келинг, улардан баъзиларида баён қилинган фикр-мулоҳазалар билан таниша қолайлик. Бекобод нон заводида бўлаётган ҳангомалардан бир шингил эшитасизми? Корхонада технология қоидаларига риоя қилинмаянти. Хамир қорилаётганда сут ва туз чамалаб солинади. Бунинг учун махсус асбоблардан фойдаланилмаётир. Тайёрланаётган нонларнинг сифати давлат стандартларига тўғри келмайди. Нон доаларининг оғирлиги белгиланганидан 5-7 процент енгил. Пиширилган нон пала-партиш тахланянти. Оқибатда иссиқ нон эзилиб чирийни йўқотмоқда. Заводда тайёрланган маҳсулотнинг сифати корхонанинг ўзида лаборатория текширишларидан ўтказилмасдан савдо тармоқларига жўнатиб юборилмоқда. Натижада сифатсиз нонларнинг бир қисми магазинларда брак қилинянти. Шу йил ўтказилган икки текширишда 3 тонна ноннинг сифати пастлиги аниқланди ва бракка чиқарилди. Завод директори ўртоқ Пак текширишнатижаларини мулоҳаза қилиб кўрмаётир, нонлар сифатини яхшилаш юзасидан жиддий тадбирлар белгиламаянти.

Нукус нон заводи территориясини айланганингиздаёқ корхонада сифатсиз маҳсулот тайёрланаётганлигига қаноат ҳосил қиласиз. Ҳаммаёқ тартибсиз, уп сақлашга эътибор берилмаянти. Бу ерда нон сифатини яхшилаш ҳақида жон қуйдирилмаётир. Республика Савдо министрлигининг маҳсулотлар сифати бўйича мутахассислари корхонага келавериб зерикдилар. Корхона ишлаб чиқарган нонлар магазинларда туриб қолмоқда. Сотувчилар комбинатдагилар учун харидорлардан таъна эшитишмоқда. Ҳақиқатан ҳам комбинатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатсиз. Пил бошидан бўён ўтказилган текширишларда 191 тонна нон қўздан кечирилди. Улардан 12 проценти нобоп бўлиб чиқди. Ноннинг оғирлиги нормадагидан 4-9 процент енгил келмоқда. Ун яхшилаб эланмаганлиги сабабли нонга ип, қоғоз кабилар аралашиб қоляпти. Нон тахланадиган жойлар тоза ва ораста эмас. Куйган нонлар ҳам кўлгина.

Наманган нон комбинати (директори ўртоқ Малишко) ва Каттақўрғон нон комбинати (директори ўртоқ Карапетянц)да ҳам хилма-хил ва сифатли нонлар ишлаб чиқариш ҳақида қайтурилмаётир. Каттақўрғон комбинатида шу йилнинг тўққиз ойида тўрт марта текширишўтказилди. Текширилган маҳсулотларнинг 35 проценти куйган, нормадагидан енгил, берч, ачиганлиги учун брак қилинди. Наманган комбинатида нон пиширишда температура аниқ ҳисобга олинмайди. Хамир қориш технологияси қўпол равишда бузилмоқда.

Сифатсиз нонлар ишлаб чиқариш қачонгача давом этади?

МУТАХАССИСЛАР МУАММОСИ

Дўконда нон-ку етарли, лекин тури, хили камайиб кетди. Қани ўша оғизга олганда эриб кетадиган ширмойи нонлар! Дастурхонимизнинг безаги бўлган ёғлиқ кулча-ю, тандир чуррагини кўрган борми? Бухоро новвойларининг фахри бўлган Галаосиё нонларининг таркибини ўрганиб, уларни кўпроқ ёпиш ҳақида ўйлайдиган одам топилдими?! Тошкентнинг кунжут нони, Самарқандниг заргарони нони, ҳиндуги нони, пўлати нонларини нега энди дўконларимиздан топиб бўлмас экан!? Юзи тандир ялпиғида қизарган, қирқ йил нон саноатида ишлаган Ҳамид ака Солихов бир вақтлар нон ва ширинликларнинг 170 хилини тайёрлардик дейди. Эндиликда нега заводларимизда пиширилаётган ноннинг тури кам? Ёки уста новвойлар ўз касбикорларини пинҳон тутиб, оламдан ўтиб кетишдими? Йўқ! Ўзбек миллий нонларини ёпишнинг сири асрорларини биладиган Х. Солихов, М. Аъзамов, С. Салимов, Г. Тешабоев, М. Мирзакосимов, У. Назруллаев, Ш. Самадов, Г. Раҳимов, М. Соқиев ва уларнинг юзлаб шогирдлари жон куйдириб ишлаб келдилар ва ишламоқдалар. Миллий нонлар ёпиш ҳафсаласизлик оқибатида, бошимизни оғритиб нима қиламиз қабилида иш тутиш натижасида камайиб кетди.

Тошкентдаги 2-нон заводида шу йилнинг 11 ойи мобайнида жами 15181 тонна нон пиширилган. Шу жумладан 730 тонна тандир нонлари тайёрланган. Бу ялпи маҳсулотнинг 5 процентини ташкил этади, холос. Октябрь райони дўконларида нега уй нонлари йўқлигини энди суриштирмасангиз ҳам бўлади. Корхонада 12 ойда нари борса 5 тонна ширмой нон ёпилибди-ку, яна савдо ходимларидан ўпкалаб юрибмиз.

Кези келганда шуни айтиш керакки, бутун бошли бир корхонада нон пиширишнинг технологияси бўйича бирорта ҳам олий маълумотли мутахассис йўқ. Умуман республикамизда нон саноати корхоналари учун олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлашга етарли эътибор берилмаянти.

Тошкент политехника институтида нон саноати учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, ўзбек миллий нонлари ёпишга ихтисослаштирилган комбинат типидаги йирик, механизациялашган корхоналар қуриш керак. Нон сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш бу масаланинг ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқ

Р. РАҲМОНОВ,
А. АБДУҚОДИРОВ,
Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
Н. ЕҚУБОВ.

Олмалиқ мис эритиш заводида янги қувватлар бирин-кетин ишга туширилмоқда. Келгуси йилда яна бир цех фойдаланишга топширилади. Ҳозир бу ерда ускуналарни монтажлаш ишлари кучайтириб юборилди. Суратда: «Стальмонтаж» ва «Промтехмонтаж» бошқармаларининг илғор монтажчиларидан В. Боровский (чапдан), А. Александров, А. Мишин, С. Сейдаметов ва А. Гоман ўртоқлар. И. Глауберзон фотоси.

ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ ТРАССАСИ

ТОШКЕНТ — РИГА ОСМОН КЎПРИГИ

Латвия алоҳида авиация группасининг кумуш рангли «ИЛ-18» ҳаво кемаси 26 декабрь кечқурун Тошкент аэропортидан парвоз қилиб, Ригага йўл олди. Қардош республиканинг учувчилари Рига—Тошкент ўртасида янги ҳаво йўли очилиши муносабати билан Ўзбекистон пойтахтига келган эдилар.

Бу—Ўрта Осиё билан Балтика бўйи ўртасида ҳеч қаерда самолётни ўзгартирмасдан учиб бориладиган биринчи трасса бўлиб, унинг узунлиги тўрт минг километрдан ошади.

Биринчи самолёт билан Ригадан Тошкентга Латвия учувчилари ва журналистларининг катта бир группаси келди. Меҳмонлар Тошкент аэропортининг иш тажрибаси билан танишдилар.

1966 йил 4 январдан бошлаб янги ҳаво маршрутида самолётлар мунтазам қатнайдиган бўлади. Улар ҳафтада икки марта келиб кетади. Ёзда яна бир рейс қўшилади. Волгоград ва Харьковда самолётларнинг қўниб ўтиши кўзда тутилади.

— Янги авиалиниянинг очилиши Ўрта Осиё ва Балтика бўйи меҳнаткашларининг кўпдан-кўп тилакларига мос бўлиб тушади, — деди Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг бошлиғи А. Ю. Ғозиназаров. — Янги линия мамлакатнинг ғарби билан жанубидаги Совет Республикалари ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ана шу трассанинг очилиши билан Тошкент аэропорти коллективининг ишига анча иш қўшилади. Лекин биз ҳамма йўловчиларга яхши хизмат кўрсатсак, шунинг ўзига хурсанд бўламиз.

(ЎзТАГ).

ИЖОДКОРЛАР

(РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН)

◆ ◆

Ленин партиясининг ҳар бир аъзоси коммунистик қурилишнинг қайси участкасида ишламасин, ўзининг мустаҳкам иродаси, меҳнатга ижодий муносабати билан бошқалар ҳурматини қозонади. Шунинг учун ҳам оддий ишчилар, колхозчилар улардан кўп нарсаларни ўрганишади, уларга тақлид қилишади. Коммунист деган ном кишига зўр масъулият юкланди, ундан бошқаларга нисбатан кўпроқ куч-ғайрат сарфлаш, қийинчиликларни матонат билан енгишни талаб қилади. Турмушда фақат ўзининг хизмат вазифасини бажариш билан чекланмай, балки янгилик яратаётган, ташаббускор коммунистлар жуда кўп. Редакциямизга ана шундай фидокор кишилар — омманинг оташи етакчилари тўғрисида хилма-хил хат-хабарлар келиб турибди.

Шеробод районидаги «Работ» совхозида коммунист София Салимова меҳнат қилади. У ўзининг жонкуярлиги, жамоат хўжалигининг нотиқоонги ҳақида чуқур фикр юритиши билан ҳамқишлоқларининг зўр ҳурматига сазовор бўлган. София опа партия йиғилишларидан бирида совхоз чорвачилигини ривожлантириш, чорвадорларнинг тоширилган иш учун масъулиятини ошириш тўғрисида қуйиниб гапирди. Коммунист аёлнинг юрагидан айтган гаплари ҳаммани ҳаяжонга солди. Совхоз партия комитети коммунистлар билан бамаслаҳат хўжалик чорвачилигини ривожлантириш режаларини белгилаб чиқди. Бу режалар қоғозда қолиб кетмади, коммунистлар жумладан, София Салимова партиясм қарорини амалга ошириш учун астойдил қурашмоқдалар. София опа ўзига бириктилган ўн бош сигирнинг ҳар биридан бу йил 1500 килограммдан сут согиб олди. Бу жонкуяр, ташаббускор коммунист аёлни,— деб ёзади Н. Муродов.— ҳамқишлоқлари ҳурмат қилишади.

Қиш келди. Бу мавсум айниқса чорвадорларимизга юксак масъулият юклайди. Чорвадорларга яхши маданий-маиший шароит яратиб бериш, фермалар, барча чўпонлар ўртасида социалистик мусобакани қизитиб юбориш бошлангич партия ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг жонажон ишидир. Бу соҳада Нурота районидаги 2-«Кўшработ» совхозининг учинчи бўлими коммунистлари намуна бўлмоқдалар. Улар бўлим чорвадорлари билан ёнма-ён туриб қишловнинг бутун оғир-енгилини ўз елкаларига олганлар. Улар чўпонлар орасида оммавий-сиёсий ҳамда тарбиявий ишларни кучайтириб юборишган, шу билан бирга ўзларига бириктирилган вазифаларни ҳам виждонан ado этишяпти. «Шу кунларда,— деб ёзади Нуротадан Ҳ. Эшонқулов,— бўлим коммунистларидан Абутолиб Бектемиров, Маҳмуд Норқобилов, Норбўтв Нуғолиев ўртоқлар чорва қишловини яхши, уюшқоқлик билан ўтказишда ўртоқларига ибрат кўрсатишяпти».

КПСС сафини муносиб кишилар ҳисобига тўлдириб бориш ҳамда ёш коммунистларни тарбиялаш партия ташкилотларининг асосий вазифаларидан биридир. Қаерда бошлангич партия ташкилоти бу ишга ижодий ёндошса, ёш коммунистлар тарбияси ҳақида ҳамиша қайғурса ўша ерда коммунистларнинг ишлаб чиқаришга таъсири шунчалик самарали бўлади. Буни Шаҳрисабз районидаги «Маданият» колхози партия комитети, шу хўжалигидаги бошлангич партия ташкилотлари мисолида яққол кўрамиз. Колхозда олтита бошлангич партия ташкилоти бўлиб, уларнинг ҳисобида 108 коммунист бор. Улардан 11 киши шу йил қабул қилинган ёш коммунистлардир. Шунисе ибратлики, бу ердаги партия ташкилотлари КПСС сафига асосан ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатган илғор кишиларни қабул қилишяпти. Айниқса ёш коммунистларни тарбиялаш соҳасида колхоз партия комитети, кенса коммунистлар ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Бу ҳақда мазкур колхоз партия комитетининг секретари ўртоқ Н. Чоршанбиев бизга мазмунли мақола ёзиб юборган.

Партиявий ишлар юзасидан ўзаро тажриба алмашиш бошлангич партия ташкилотлари фаолиятига катта ёрдам беради. Самарқанд шаҳридан ўртоқ А. Гайковнинг ёзишича, бу ерда область партия комитети бошлангич партия ташкилотлари секретарларининг семинарини ўтказган. Семинар қатнашчилари партиявий — ташкилий ишлар юзасидан бир неча суҳбатлар тинглаб, ўзаро тажриба алмашишган. Айниқса, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати партия бюросининг секретари И. Шульжинко, «Ингичка» кони, вагон депоси, шойи тўқиш фабрикаси партия ташкилотларининг секретарлари М. Ҳусаннов, В. Нечаев, Ш. Султонов ўртоқларининг суҳбатлари ҳаммани қизиқтирди. Бухоро районидаги Навоий номли колхоз партия комитети ҳам бошлангич партия ташкилотларининг агитация-пропаганда ишларини юқори савияга кўтаришдаги тажрибаларини оммалаштириш учун семинар ўтказди. Семинарда бошлангич партия ташкилотларининг секретарлари, моҳир агитаторлар ўз тажрибаларидан сўзлаб беришди,— деб ёзади. Ш. Ҳожиев.

Коммунист учун ўз сиёсий савиясини ҳамиша ошириб бориш, партиявий ишнинг хилма-хил усулларини ўрганиш зўр аҳамиятга эга. Бунда айниқса партия сиёсий ўқишининг роли бебаҳодир. Кўпгина партия ташкилотлари бу ишга ижодий муносабатда бўлиб партия ўқуви савиясини оширмоқдалар. Коммунистларнинг тарбияси ҳақида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз 2-бўлимининг коммунистлари сиёсий ўқиш тўгараклари, мактабларига актив қатнашмоқдалар. «Коммунистларимиз, — деб ёзади шу бўлим бошлангич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қ. Ҳасанов,—қишлоқ хўжалик экономикасини, партиявий иш усулларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар». Ишчи ва қишлоқ мухбирларидан Я. Абдиев, С. Зиёев, В. Маҳмасалоев (Қашқадарё), М. Қобулов, Р. Худойбердиев, Б. Пирназаров, А. Суюнов, А. Жўраев (Самарқанд), А. Раҳмонов, А. Эшматов (Хоразм), И. Искандаров (Бухоро), Э. Муқимов, М. Муродов (Фарғона), А. Мамажонов, Э. Каримов, Ц. Сотиқов (Андижон) ўртоқлар ҳам коммунистларнинг ижодкорлиги, партия ташкилотларининг омма орасида олиб борётган зўр ташкилотчилик, тарбиявий ишлари тўғрисида қизиқарли хабарлар йўллашган.

Қашқадарё ОБЛАСТИ. Яккабоғ районидаги Калинин номли колхознинг пешқадам бригада бошлиқларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Ўртоқ У. Қудратов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 27 ўрнига 34,5 центнердан пахта етиштиришиб, натта муваффақиятни кўлга киритган эдилар. Келгуси йилда ҳосилдорликни кескин ошириш бригада аъзоларининг қатъий аҳди. Шу мақсадда барча майдонлар барвақт ва сифатли шудгорлаб қўйилди. Суратда: бригада бошлиғи Усмон Қудратов.

А. Тўраев фотоси.

Солдат МАКТУБЛАРИ

ХАЛОСКОР

Дам олиш куни. Бўлинма жангчилари шаҳарга боришга тайёрланишмоқда. Жангчи Турғунбой Меҳмонов Уж дарёси ёқалаб бормоқда эди. Қулоғига дарё томондан ёш боланинг товуши эшитилди. Турғунбой орқасига ўгирилиб, дарёда оқиб кетаётган қизчани кўрди.

Йигит ўзини дарёга ташлаб, қизчани тўлқинлар оғушидан олиб чиқди.

Қизчанинг онаси Анна Сороковская саккиз яшар қизи Валянинг халоскори ўзбекистонлик азамат Турғунбой Меҳмоновга самимий ташаккур билдирди. Бўлинма командири мард йигитни қимматли буюм билан мукофотлади.

С. НАЖМИДДИНОВ.

ЕНҒИН

Оддий солдат Рустам Шохниёзов узоқ тайгадаги станциялардан бирида хизмат қилади. У кечга яқин постдан қайтиб келарди. Йигит посёлкадаги уйлардан бири ёнаётганини кўрди. Деразалардан ўт бураліб чиқарди. Яқин орада ҳеч ким йўқ. Йигит уйга отилди. Хоналарнинг биридан аёл кишининг ингроқ товуши эшитилди. Солдат ёрдамга шошилди. Тутундан нафаси қайтаётган аёл унга бир нарсани тушунтиришга уринарди. Шохниёзов аёлни ташқарига олиб чиққанда, у.

— Серёжка!—деб ҳушидан кетди.

Жангчи уйда яна кимдир колганини тушуниб, яна ўтга ташланди. Солдатнинг шинели, юзи ва қўллари куя бошлади. Нафас олиши қийинлашди. Шундай бўлса ҳам у болани қидиришда давом этди. Уч яшар Серёжка каравот тагида яшириниб ётган экан.

Яқинда бўлинмамиз командири номига В. Л. Юрченковадан хат келди. Унда Рустам Шохниёзовдек жасур, довюрак жангчиларни тарбиялаб етиштираётган бўлинма коллективига самимий миннатдорчилик билдирилган.

С. П. ГУСЕВ.

МОҲИР АЛОҚАЧИ

Ҳарбий машқ пайти эди. Тўсатдан алоқа тармоқларидан бири ишдан чиқди.

Командир алоқани тиклашни жангчи Ҳайитбой Ниёзовга топширди.

Қор қалин ёққан. Х. Ниёзов чанғида бир неча километр йўл юрди. Қош қорая бошлади. Йигит ҳамон олға силжирди. У бир жойда катта дарахт синиб, алоқа симларини икки жойдан узиб юборганини кўрди. Вақт ярим тунга яқинлашган. Алоқачи йўл юриб чарчаган, совуқ уни элитган эди. У ўзини маҳкам тутиб, ишга киришди. Алоқа тикланди. Тонгда Х. Ниёзов топшириқ шараф билан бажарилганлиги ҳақида командирга рапорт берди. Бўлинма номидан ташаккурнома олди.

Коммунист Х. Ниёзов ҳарбий хизматда барчага намуна бўлмоқда. У «Совет Армияси аъзочиси» значоги ҳамда бир неча ташаккурномалар билан мукофотланган. Биз ўзбекистонлик сафдош дўстимиз Ҳайитбой билан фахрланамиз.

Н. САДРИДДИНОВ.

* * *

Беполён Ватанимизнинг турли чеккаларида ўз гражданлик бурчларини шараф билан адо этаётган солдатлар—У. Жуманиёзов, Т.Саидов, У. Аҳматхонов, А. Абдуллаев, Н. Йўлдошев, А. Парпиев ва бошқа ўртоқлар редакциямизга хат йўллаб, жанговар солдатлар ҳаётининг ранг-баранг томонлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

БАРАКА ТОП...

Вақт зиқ... Инки қария чорраҳада такси кутиб ўтирарди. Шу пайт бир «Волга» келиб тўхтади.

— Йўл бўлсин, отахонлар?— сўради шофёр.

— Барака топ, болам бизни аэропортга элтгин.

— Марҳамат!..

«Волга» ойнадек кўчалар бўйлаб учиб кетди. Шофёр тушмагурнам жуда шўх экан, кетакетгунча аския қилиб борди. Вақт ўтгани ҳам билинмабди.

— Ҳув, қўнаётган самолётларда бизнинг ҳам фарзандимиз бордир, — деди чоллардан бири шофёрга эшиттириб. — Москвадан ўғлимнинг тамомлаб келяпти.

Такси енгил силкиниб тўхтади. Чоллардан бири шофёрга уч сўм узатди. Чоллар «барака топ» қилиб кетаётганларида, шофёр уларни тўхтатди.

— Ахир, ортиқчасини олиб кетингилар.

— Ие, қизиқмисан, бизни шунча ҳурмат қилиб келтириб қўйдинг, бўёнига яна ўзимиз қарздормиз, — дейишди улар.

— Йўқ, бу бизнинг бурчимиз, манг, ортиқчасини олинг. Ўғлимнинг тамомлаб келаётган ўғилларингизга мендан ҳам салом айтинг.

— Қўлинг дард кўрмасин, ўғлим, раҳмат санга, — дейишди улар.

Такси қўзғалди. Михаил Яковлевич Грин Тошкент шаҳар 2-енгил автомобиллар автобазаси ташкил топгандан буён шу ерда такси шофёри бўлиб ишлайди. Чорак асрдан буён, у шу касбда халол хизмат қилмоқда. Юзлаб кишиларнинг ҳожатини чиқармоқда.

Касбнинг катта-кичиги бўлмайди. Унга меҳр қўйсанг, сенга ҳамиша толе ёр. Михаил Яковлевич буни яхши тушунади. Ўз корхонасида обрў-эътибор орттирди. Ўзидан устароқ кишилардан ўрганди. Тажрибасини ёшларга ҳам бажонидил ўргатмоқда. Социалистик мусобақада доим олдинги сафда бормоқда. Топшириқларни 140-150 процент адо этмоқда. У ўзи ишлаб турган автобазанинг жамоатчилик ишларида актив қатнашмоқда, Чилонзор район Советининг депутати.

Меҳнат — бахт келтиради. Михаил Яковлевич Грин халол меҳнати билан бахтиёр. У ўзига ишониб топширилган машинада капитал ремонтисиз 120 минг ўрнига 500 минг километр масофани босиб ўтди. Унинг «Волга»си ҳамон шаҳар кўчаларини незиб «толиқмайди». Михаил Грин Тошкент область автотрести томонидан 1- даражали «Кўп йиллик авариясиз хизмати учун» значоги ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланди.

Автобазада Михаил Яковлевич Гриндек коммунистин меҳнат мусобақасида пешқадам, турмушда ва ишда илғор шофёрлар оз эмас. Ж. Толипов, О. Жаъфаров, Л. Абдураҳматов каби ўнлаб шофёрлар ишидан корхона раҳбарлари ҳам, меҳнаткашлар ҳам миннатдор. Улар шу куиларда КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдиряптилар.

З. АБДУЛЛАЕВ.

Шоли тўйи

Совхоз бултур ташкил топди. Ҳонқа тўқайдан 100 гектардан кўпроқ ер ўзлаштирилиб, шоли экилди. Дастлабки йили ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олинди. Жами ҳосил 2,5 минг тоннадан ошди.

Совхознинг экин майдони бу йил 1790 гектарга етказилди. Гектаридан 28 центнер ҳосил олинди. Давлатга 4700 тонна шоли сотилди. Бу — область планининг ярмини шу совхоз қоплади, демакдир. Ҳосилнинг бир қисми ишчиларга тақсимлаб бериш учун қолдирилди.

«Ҳонқа» совхозида шоли байрами ўтказилди.

Ғолиблар даврасида ишлаб чиқаришнинг моҳир командирлари Тью Мен Гу ва Абдукарим Жуманиёзов ўртоқлар ўтиришибди. Улар бошчилик қилган бригадалар гектаридан 32-33 центнердан хирмон кўтаришган, Ибодулла Ҳожиев, Гулаҳмад Мамедов каби механизаторлар ўз меҳнат самараларидан дилшод.

Совхозда ҳозир кўркам шаҳарча бунёд бўлган. Икки йилда 150 ишчи оиласи ҳовли тўйи қилди. Кинотеатр, касалхона, мактаб, боғча-ясли қурилди. Янгиариқ райони марказидан совхозгача 11 километрли асфальт йўл тузатилди. 320 ўринли типовой мактаб, клуб, ҳаммом ва бошқа бинолар қурилятти.

— 1966 йилда капитал қурилишларга 2,2 миллион сўм сарфланади, 3300 квадратметр уй-жой майдони фойдаланишга берилади, — дейди совхоз қурилиш бўлими бошлиғи ўртоқ Ш. Низомов.

Совхоз ишчилари фаровон ва маданий турмуш кечирмоқдалар. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари уларнинг моддий манфаатдорлигини оширди. Ишчилар ойлик маошдан ташқари шоли ҳам оладилар.

Ихтисослаштирилган шолиқорлиқ хўжалиги — «Ҳонқа» совхозининг истиқболи янада порлоқ. Келгуси йил экин майдонларини анча кенгайтириш, ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш мўлжалланмоқда. Далаларни шудгорлаш, суғориш тармоқларини тозалаш, янги ер очиш ишлари авж олдирилаётир. Совхоз коллективининг бутун фикр-зикри КПСС XXIII съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга қаратилган.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЕБАҲО БУЛОҚ

Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институти водийда биринчи марта очилган олий ўқув юрти. У Ўрта Осиё Давлат университети ва Самарқанд педагогика институти (ҳозир Самарқанд Давлат университетига қўшиб юборилган)дан кейин 1930 йилда ташкил этилган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Владимир Ильич Ленин мамлакатда савод-саҳолиини тугатиш, ўқув ёшидаги болаларни мактабга тортиш, бунинг учун малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳақида кўрсатма берган эди. Бу илм даргоҳлари шу кўрсатмага асосан ташкил топди.

Бундан ўттиз беш йил муқаддам биринчи марта институт қучоғида атиги 120 студент таълим олди. Бор-йўғи 22 ўқитувчи ишлади. Улар кейинчалик институтнинг ўзида ўқитувчи бўлиб қоладиган кадрлар ҳам тайёрлашди. Чунки биринчи вақтда институтда ўқитиш учун И. Чўпонзода, И. Теплов, А. Аверинцов, В. Арбузов сингари профессор ва доцентлар Москва, Ленинград ва Боку каби шаҳарлардан чақирилган эди. Шунинг учун ҳам маҳаллий ўқитувчи кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилди.

Мана, орадан 35 йил ўтиб, институт ҳар жиҳатдан ўсиб, малакали кадрлар билан мустаҳкамланган бир вақтда кўлга киритилган ютуқлар, институтнинг Ўзбекистон халқ маорифини ривожлантиришдаги салмоғи, институт олимларининг келажак режалари ҳақида ҳикоя қилиш ўринли бўлса керак. Институтда ҳар йили янги-янги факультетлар очилади, кафедралар ташкил этилади. Шунга яраша студентлар сони ҳам ортиб боряпти. Илмий педагогик кадрлар сафи ҳам кейинги йилларда фан докторлари, профессорлар, фан кандидатлари ҳисобига сезиларли ўсаётир. Шу кеча-кундузда институтнинг 25 кафедрасида 270 дан ортиқ илмий ходим бор. Шундан 4 киши профессор, 27 киши доцент ва фан кандидатлари, 100 юши старший ўқитувчилардир. Институт дарғоҳида сиртдан ўқиётганлар билан биргаликда ҳозир 7 минг студент таълим олмоқда.

Агар институтда «Улар шу ерда ўқиган эди» деган китоб ташкил этиладиган бўлса, унга ажойиб ишлар қилган ажойиб тандир эгаларининг номи, автобиографиялари ёзиб қўйиладиган бўлса, шубҳасиз, бу китобнинг ҳажми каттагина бўларди. Ўзбекистон ССР фанлар академияси тилшунослик институтининг профессори, филология фанлари доктори Ғ. Абдураҳмонов, Ўзбекистон ССР фанлар академияси ботаника институтининг директори, биология фанлари доктори А. Музаффаров, РСФСР педагогика фанлари академиясининг корреспондент аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби С. Ражабов, Самарқанд Давлат университетининг ректори, филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. Абдуллаев, Ўзбекистон ССР Маориф министри Э. Қодиров, ёзувчи П. Шамшаров, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев, Фарғона область партия комитетининг секретари А. Маҳмудов ўртоқлар шу институтнинг собиқ талабалари бўлишади. Уларнинг рўйхатини яна анча давом эттириш мумкин.

Институтимиз ўқитувчилари коллективи бундан кейин ҳам институт қучоғидан ана шундай етук олимлар ва моҳир ташкилотчилар етишиб чиқиши учун ҳаракат қилишмоқда. Олти факультетнинг ҳаммасида ҳам малакали педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришда катта роль ўйнайдиган фалсафа, КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод курслари сингари ижтимоий фанларни ўқитишнинг сифати йилдан-йилга яхшиланиб бораётир. Студентларнинг фанларни яхши ўзлаштиришлари, чуқур билим олишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилаётир. Ҳозир 250 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона, 400 кишига мўлжалланган ўқиш зали, физика, биология, химия, ботаника фанлари кабинетлари, лабораториялар, таълим устахонаси, кино-лекторий студентлар хизматида. Уларнинг ошпи ялмга чанқоқ кишилар учун ҳамма вақт очиқ.

Кейинги йилларда институтимизда илмий кадрлар сони тобора ўсиб бораётгани қувонарлидир. Ўтган икки йил ичида 12 киши кандидатлик диссертациясини ёқлашга муваффақ бўлди. Шу кеча-кундузда 26 ўқитувчи ва илмий ходим диссертация устида ишлаётир. Кўпгина ўқитувчиларимиз Тошкент, Москва, Ленинград, Боку ва бошқа шаҳарларда аспирантураларда сиртдан ўқишмоқда. Шуниси қувончлиқи институт қошида аспирантура очилган. Бунда ҳозир 30 дан ортиқ аспирант таълим олмоқда.

Институт ўқитувчиларининг илмий-текшириш фаолияти ҳам яхшиланиб бораётир. Ҳозир профессор-ўқитувчилар составининг 40 процента илмий-текшириш ишлари билан машғул. Улар фанда янгиликлар очиш, уни ривожлантириш учун бетиним қаланишмоқда. Бу эса бирин-сирин ўз меваларини бераётир. Ўтган йилнинг ўзида кашф этилган илмий ҳамда методик характердаги асар ва мақолаларнинг ҳажми 50 босма листга тўғри келди. Бу йил ҳам ундан кам бўлмайди.

Ўтган ўттиз беш йил ичида институт олимлари талай дарсликлар, қўлланма ва монографиялар яратдилар. Шундан айримлари ҳатто олий ўқув юртлари ва мактабларда энг яхши ўқув қўлланмалари сифатида фойдаланиб келинмоқда. Бу ўринда профессор А. Муҳаммадиевнинг «Умурқасизлар зоологияси курси» ва профессор С. Саҳобиддиновнинг «Ўсимликлар систематикаси» қўлланмаларини айтиш мумкин.

Ҳозир академик Қ. Зокиров яратаётган асар ҳам кейинчалик қиймати бир қўлланма бўлиб қолади. У «Ўзбек ботаник терминологиясининг изоҳли луғати» деб аталган асарининг биринчи томини тугатди. Асарнинг ҳажми 70 босма листи атрофида бўлиши мўлжалланмоқда.

Фарғона водийсининг тўнгич ўқув юрти бўлган институтимиз кўпгина шонли традицияларга эга бўлган бебаҳо булоқ. Бундан буён ҳам институт ўқитувчилари коллективи шу традицияларга содиқ қоладилар. Халқ маорифи учун юқори малакали ва етук кадрлар тайёрлаб бериш институтимиз коллективининг шарафли бурчидир.

Б. ОТАҚУЛОВ,
Улуғбек номидаги Фарғона педагогика институти ректорининг ўринбосари, физика-математика фанлари кандидати.

ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ ОЛДИДАН

★ ★ ★ ★ ★ ★

НЕПАЛ УЧРАШУВНИ ТАБРИКЛАЙДИ

КАТМАНДУ, 27 декабрь. (ТАСС). Непал ташқи ишлар министри К. Биста Ҳиндистон Бош Министри Шастри билан Покистон Президенти Аюбхон ўртасида Тошкентда олиб бориладиган музокараларни табриклади. Министр Непал информация агентлигининг мухбири билан қилган суҳбатида музокаралар Ҳиндистон билан Покистон ўртасига совуқчилик солиб қўйган ихтилофларни тугатишга ёрдам бергай, деб умид билдирди. «Биз, — деди министр, — икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви Тошкентда ўтказилаётганидан гоят мамнун бўлмоқдамиз. Непал Совет Бош Министри А. Н. Косиниинг куч-ғайратларини гоят қадрлайди, шу туфайли мазкур учрашув ҳозир реал бўлиб қолди».

Покистон президентининг айтганлари

КАРАЧИ. (ТАСС). Покистон президенти Аюбхон Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги мунозарали масалаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топиш истагини билдирганлиги учун Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик билдирди.

Аюбхон Кхульна шаҳрида (Шарқий Покистон) бўлиб ўтган оммавий митингда сўзга чиқиб, бундай деди: Покистон барча мамлакатлар билан, жумладан ўз қўшнилари билан тинч-тотув ва дўст бўлиб яшашга интилади.

Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги барча можаролар тинч йўл билан бартараф қилиниши мумкин, деди президент. Зўр бериб қуролланиш йўлидаги пойга, деди Аюбхон, Ҳиндистонни ҳам, Покистонни ҳам ҳалокатга олиб келади.



Ироқ Республикаси. Бағдодда Совет Иттифоқининг техника ёрдамида қурилган сиғими 12 минг тонналик элеватор ишга туширилди. У дон билан тўлатилди. Суратда: янги элеватор.

Л. Вольнов фотоси,
(ТАСС фотохроникаси).

ҲИНДИСТОН МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 27 декабрь. ТАСС мухбири О. Плешов хабар беради:

Тошкентдаги музокаралар қайси йўлдан ривожланиб боради, Ҳиндистон билан Покистон раҳбарлари ўзаро бир битимга келадиларми, — деган масалалар ҳозир Ҳиндистонда ҳамманинг хаёлини банд қилмоқда.

Мамлакат жамоатчилиги бир нарсага, яъни Ҳиндистон Бош Министри Шастри билан Покистон Президенти Аюбхоннинг Тошкентдаги учрашуви иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш учун кенг имкониятлар очиб беражагига қатъий аминдир, деган фикрни Ҳиндистон матбуоти тез-тез таъкидлаб ёзмоқда.

«Тошкентдаги учрашувнинг мазмуни, — деб ёзди «Пэтриот» газетаси, — Осиёда тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда Ҳиндистон билан Покистон экономикасини тараққий эттириш-дан иборатдир...». Бу учрашув «барча низоли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти борлигига бошқатдан ишонч туғдира олади.

Ҳиндистондаги сиёсий партиялар Ҳиндистон — Покистон жанжалида қандай позиция тутаётганлигидан қатъи назар, уларнинг аксарий кўпчилиги бўлажак учрашувни Ҳиндистон билан Покистон ўртасига совуқчилик солиб қўйган проблемаларни бартараф этиш учун қулай вазият вужудга келтиришга қаратилган тадбир, деб табриклямоқда. Энг турли йўналишлардаги матбуот органлари Қўшма Штатлар Вьетнамда хунрезлик урушини авж олдираётгани устига Ҳиндистон — Покистон жанжали кескинлашиб кетса, буни кўрган агрессив кучлар фақат ҳаддидан ошиши мумкин, деган гапларни ёзмоқда. Ҳиндистон — Покистон ўртасидаги душманлик ўчоғида ёниб турган ўтни, деб уқтирмоқда улар, ҳар на қилиб бўлса ҳам, ўчириш зарур.

Ҳиндистон матбуоти Совет Иттифоқининг Тошкентдаги учрашувни тайёрлашдаги ролига алоҳида эътибор бермоқда. СССР Ҳиндистон билан Покистоннинг тинчлик ва яхши қўшничилик вазиятида ҳаёт кечиришини кўришга сидқидилдан интилаётганлиги ҳеч кимда шак-шубҳа туғдираётгани йўқ. Бу интилишда, деб таъкидлайди, ҳафталик «Мейнстрим» газетаси, Совет Иттифоқининг ҳар иккала мамлакатга хайрихоҳлик билан қараётганлиги кўриниб турибди. Бу интилиш СССРнинг бўлажак музокараларга қўшган ижобий ҳиссасидир. «Совет раҳбарлари Ҳиндистон билан Покистон ўртасида сулх ўрнатишга ёрдам беришни сидқидилдан истамоқдалар, — деди Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх Москвадан қайтиб келгач, — бу эса, музокараларнинг муваффақиятига катта ҳисса бўлиб қўшилажаги шак-шубҳасиздир.

ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

МУДДАТИДАН ОЛДИН

ВАРШАВА. Польша меҳнаткашлари янги йилки йиллик планни муддатидан олдин бажариш билан кутиб олмоқдалар. Польша денгизчилари йиллик ва беш йиллик планни муддатидан олдин бажарганликлари ҳақида биринчилар қаторида рапорт бердилар.

Химия саноати, бинокорлик материаллари саноати ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ўз план топшириқларини бажардилар.

«ГДРДА ЯСАЛГАН»

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг керамика саноати маҳсулот экспорт қилиш йиллик планини бажарди. Барча қитъалардаги мамлакатларга жўнатилаётган чинни идишларга, керамика буюмларига «ГДРда ясалган» деган товар маркаси туширилган.

(ТАСС).

АМЕРИКАНИНГ ЛАОСДАГИ АГРЕССИЯСИ ТЎХТАТИЛСИН

Шу йил 24 декабрда СССР Ташқи ишлар министрлиги Лаос бўйича 1962 йилги Женева кенгаши қатнашчилари бўлган мамлакатларга Нео Лао Хак Сат бош секретари, Лаос коалицион ҳукумати информация, пропаганда ва туризм министри, Лаос бўйича 1962 йилги Женева битимларини амалга оширувчи миллий комиссия аъзоси Фуми Вонгвичитнинг мактубини тарқатди. 1961 — 1962 йилларда Лаос бўйича Женева кенгашининг ҳамрасларидан бири бўлган Совет Иттифоқи Ташқи ишлар министрига юборилган мактубда Америка Қўшма Штатларининг Лаосга қарши агрессив ҳаракатлари натижасида ана шу мамлакатда вужудга келган ҳозирги вазиятнинг жиддий эканлигига эътибор жалб этилади.

Мактубда таъкидланадики, Қўшма Штатлар кейинги вақтда ўрта ва қуйи Лаосни эгаллаб олиш мақсадида Лаос халқига қарши янги-янги ва янада хатарли ҳарбий авантюралар қилмоқдалар. Америка Қўшма Штатлари, дейилади мактубда, Лаосга жуда кўп миқдорда қурол-яроғ ва бошқа ҳарбий материаллар келтирди, Лаоснинг тинч шаҳар ва қишлоқларини вахшийларча бомбардимон қилишни кучайтириб юборди. 1965 йил 20 ноябрда Америка авиацияси Кхан-Кхай шаҳрини бомбардимон қилди, натижада шаҳарга жиддий зарар етказилди, тинч аҳолидан кўп киши ўлдирилди.

Фуми Вонгвичит ўз мактубида АҚШнинг бундай ҳаракатларини Лаос бўйича 1962 йилги Женева битимларини қўпол равишда бузишдан иборат деб ҳисоблаб, Американинг Лаосга қарши агрессияси дарҳол тўхатилишини, 1962 йилги Женева битимларига риоя қилинишини ва ўт очишни тўхтатиш тўғрисида 1962 йил 24 июндаги буйруқнинг бажарилишини талаб қилади.

«УОРКЕР» ГАЗЕТАСИГА ҚАРШИ ИҒВОГАРЛИК

Америка маъмурлари АҚШ прогрессив кучларини таъқиб этишни кучайтирмоқдалар. Маълум бўлишича, ваниллар палатаси Америкага қарши фаолиятни текшириш комиссияси коммунистик ишчилар газетаси «Уоркер»нинг 1963 йилдан бўёнги пул маблағлари ва банкдаги счётларини ревизия қилишга буйруқ берган. Комиссиянинг бу хатти-ҳаракати матбуот эркинлигини гарантиялловчи мамлакат конституциясига мутлақо хилофдир.

«Уоркер» газетасининг таъқиб этилиши Вашингтон АҚШ Компартиясига нисбатан ўтказиб келаётган умумий сиёсатнинг бир қисмидир. Яқинда Америка пойтахтидаги округ федерал суди юстиция министрлигининг кўрсатмасини бажариб, Компартия Маккарэн қонунига мувофиқ «чет давлат агенти» сифатида рўйхатга ўтишдан бош тортганлиги учун унга 230 минг доллар жарима солди.

Вашингтон суди ҳозиргача ҳам партияни даромад солиги тўламасликда айбловчи сохта ишни кўрмоқда. Эндиликда таъқиб этиш кампанияси кенгайтирилди ва бу таъқиб Америка ишчилар синфининг жанговар органига ҳам қаршн қаратилди».

Вашингтондагилар нималарга амал қилиб ана шундай иғвогарлик қилганликларини тушунишмоқдалар. Ҳиндистон — Покистон ўртасидаги душманлик ўчоғида ёниб турган ўтни, деб уқтирмоқда улар, ҳар на қилиб бўлса ҳам, ўчириш зарур.

Ҳиндистон матбуоти Совет Иттифоқининг Тошкентдаги учрашувни тайёрлашдаги ролига алоҳида эътибор бермоқда. СССР Ҳиндистон билан Покистоннинг тинчлик ва яхши қўшничилик вазиятида ҳаёт кечиришини кўришга сидқидилдан интилаётганлиги ҳеч кимда шак-шубҳа туғдираётгани йўқ. Бу интилишда, деб таъкидлайди, ҳафталик «Мейнстрим» газетаси, Совет Иттифоқининг ҳар иккала мамлакатга хайрихоҳлик билан қараётганлиги кўриниб турибди. Бу интилиш СССРнинг бўлажак музокараларга қўшган ижобий ҳиссасидир. «Совет раҳбарлари Ҳиндистон билан Покистон ўртасида сулх ўрнатишга ёрдам беришни сидқидилдан истамоқдалар, — деди Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх Москвадан қайтиб келгач, — бу эса, музокараларнинг муваффақиятига катта ҳисса бўлиб қўшилажаги шак-шубҳасиздир.

ВДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ, 27 декабрь. (ТАСС). Япония ҳукумати билан Жанубий Кореядаги қўғирчоқ режим ўртасида тузилган «шартнома»нинг «ратификация ёрлиқлари» айирбош қилинганлиги хусусида Вьетнам Демократик Республикасининг Ташқи ишлар министрлиги кеча баёнот эълон қилди.

Америка империалистлари ана шу «шартнома» ёрдами билан, дейилади Вьетнам информация агентлиги эълон қилган баёнотда, япон империалистлари билан Жанубий Кореядаги қўғирчоқ режим ўртасидаги тил бириктирувни мустаҳкамлашга, шу тариқа ўзининг Жанубий Кореядаги тагидан зил кетган мустамлакачилик ҳукмронлигини сақлаб қолишга ва шарқи-шимолий Осиё мамлакатларидан иборат агрессив ҳарбий блок тузишга ҳаракат қилмоқда.

Ватанпарварларнинг муваффақиятлари

ХАНОЙ, 27 декабрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам озодлик армиясининг отрядлари билан партизанлар Куангнам вилоятидаги Хиепдук район марказига ҳужум қилиб, қўғирчоқ ҳукумат қўшинлари гарнизонини бу ердан ҳайдаб чиқардилар, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги Озодлик агентлигига асосланиб. Хиепдук Американинг Данангдаги авиабазасидан 53 километр нарига жойлашган. Ватанпарварлар шу билан Куангнам вилоятида иккинчи район марказини озод қилдилар. Биринчи район маркази Чами шу йил бошларида озод қилинган эди.

Озодлик агентлигининг таъкидлашича, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 4 кун ичида Хиепдук ёнида Сайгон қўшинларининг беш юзга яқин солдатини қириб ташлаганлар.

ДЕНГИЗДАГИ ФАЛОКАТ

ЛОНДОН, 28 декабрь. (ТАСС). Кеча Англиянинг шарқий соҳилидан олтмиш километр нарида нефть пармалаш установкаси ўрнатилган жуда катта платформа денгизга ғарқ бўлди. Матбуотнинг берган хабарларига кўра, платформанинг 30 хизматчисидан фақат ўн тўққизтаси қутқариб қолинди, бир кишининг жасади топилди, қолганларнинг тақдири номаълум.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА 407 МИНГ ЮТУҚ

Ўзбекистон ССР 1965 йилги пул-буюм лотереяси олтинчи чиқарилиши бўйича 1965 йил 26 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқ тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда ҳаммаси бўлиб умумий суммаси беш юз саксон беш минг сўм бўлган 407000 дона буюм ва пул ютуғи ўйналди.

АНА ШУ ЛОТЕРЕЯНИНГ ТЎРТ РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ НОМЕРИ ВА БИЛЕТ НОМЕРИ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛГАН. ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИГА ЮТУҚ ЧИҚДИ:

Серия номерлари	Билет номерлари	Ютуққа чиққан буюмнинг номи ва пул ютуғининг ҳажми	Ютуққа чиққан буюмнинг пули (сўм тийин)
19505	017*)	Жун рўмол	20—50
19516	220*)	25 сўм пул ютуғи	—
19539	221*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
19542	039*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
19545	019*)	10 сўм пул ютуғи	—
19548	136*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
19551	058*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
19571	157*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
19575	082*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
19588	181*)	30 сўм пул ютуғи	—
19589	082*)	Кир ювадиган машина	75—00
19591	208*)	«Днепр» холодильниги	200—00
19593	182*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
19596	181*)	30 сўм пул ютуғи	—
19609	011*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
19640	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
19657	111*)	25 сўм пул ютуғи	—
19664	058*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
19682	089*)	Кир ювадиган машина	75—00
19686	206*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
19708	019*)	Жун рўмол	20—50
19709	051*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
19720	166*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
19730	246*)	«Днепр» холодильниги	200—00
19762	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
19767	047*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
19782	210*)	25 сўм пул ютуғи	—
19784	187*)	«Днепр» холодильниги	200—00
19795	248*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
19799	090*)	10 сўм пул ютуғи	—
19803	176*)	Пианино	526—50
19805	132*)	30 сўм пул ютуғи	—
19817	028*)	Жун рўмол	20—50
19825	145*)	25 сўм пул ютуғи	—
19833	189*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
19834	001*)	Жун рўмол	20—50
19854	159*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
19874	036*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
19877	142*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
19878	100*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
19894	049*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
19896	137*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
19914	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
19928	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
19935	250*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
19941	195*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
19969	090*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
19975	184*)	Кир ювадиган машина	75—00
19977	122*)	Жун рўмол	20—50
19992	014*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
19998	177*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
20000	205*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20020	168*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
20049	074*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
20067	249*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20068	212*)	25 сўм пул ютуғи	—
20071	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
20073	155*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
20105	226*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
20114	007*)	10 сўм пул ютуғи	—
20118	198*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
20129	017*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
20145	010*)	25 сўм пул ютуғи	—
20180	111*)	Жун рўмол	20—50
20182	157*)	Кир ювадиган машина	75—00
20204	189*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
20212	055*)	«ИЖ-Планета» мотоцикли	575—00
20214	181*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
20218	248*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20220	125*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20253	181*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
20263	242*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20265	200*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20272	009*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20296	153*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20324	163*)	Кир ювадиган машина	75—00
20325	039*)	10 сўм пул ютуғи	—
20333	072*)	Жун рўмол	20—50
20345	205*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
20347	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
20356	237*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
20363	054*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20371	012*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20378	107*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
20384	137*)	«Днепр» холодильниги	200—00
20395	012*)	30 сўм пул ютуғи	—
20397	197*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20401	056*)	«Рекорд» телевизори	210—00
20402	235*)	Жун рўмол	20—50
20404	121*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20418	241*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
20426	053*)	«Днепр» холодильниги	200—00
20429	069*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20432	080*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
20438	002*)	«Днепр» холодильниги	200—00
20451	052*)	Жун рўмол	20—50
20460	125*)	Жун рўмол	20—50
20463	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
20478	230*)	25 сўм пул ютуғи	—
20488	225*)	Кир ювадиган машина	75—00
20496	224*)	«Днепр» холодильниги	200—00
20497	237*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
20498	044*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20514	182*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
20518	150*)	«Днепр» холодильниги	200—00
20520	036*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20529	042*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20532	072*)	25 сўм пул ютуғи	—
20533	216*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
20546	013*)	10 сўм пул ютуғи	—
20548	049*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20553	141*)	«Днепр» холодильниги	200—00
20558	013*)	Жун рўмол	20—50
20559	207*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
20569	057*)	10 сўм пул ютуғи	—
20593	182*)	«Днепр» холодильниги	200—00
20596	228*)	«Днепр» холодильниги	200—00
20597	124*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20600	231*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20623	228*)	«ИЖ-Планета» мотоцикли	575—00
20630	166*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
20639	036*)	25 сўм пул ютуғи	—
20647	236*)	«Рекорд» телевизори	210—00
20654	227*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20656	017*)	«Днепр» холодильниги	200—00
20754	063*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20764	192*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
20799	210*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
20802	139*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
20805	059*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20806	064*)	10 сўм пул ютуғи	—
20812	198*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
20813	208*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
20841	147*)	Кир ювадиган машина	75—00
20844	161*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20845	088*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20846	109*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20858	175*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20861	173*)	30 сўм пул ютуғи	—
20893	209*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20897	175)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
20908	015*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
20909	005*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
20915	003*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
20916	234*)	Кир ювадиган машина	75—00
20918	190*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
20921	109*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20925	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
20935	087*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
20936	181*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
20938	126*)	Кир ювадиган машина	75—00
20950	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
20961	080*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
20974	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
21012	121*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21021	091*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
21023	146*)	Жун рўмол	20—50
21032	017*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
21041	165*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21058	025*)	Жун рўмол	20—50
21079	109*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21108	230*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21112	161*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21121	110*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
21139	148*)	10 сўм пул ютуғи	—
21145	199*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21153	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
21160	105*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
21161	015*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
21173	081*)	«Днепр» холодильниги	200—00
21200	216*)	«Москвич» автомашинаси	3400—00
21205	166*)	Кир ювадиган машина	75—00
21209	172*)	«Днепр» холодильниги	200—00
21212	250*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
21215	078*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
21221	128*)	Пианино	526—50
21261	109*)	30 сўм пул ютуғи	—
21270	199*)	Кир ювадиган машина	75—00
21287	107*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
21302	030*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
21312	090*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21323	134*)	10 сўм пул ютуғи	—
21329	246*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21339	169*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
21346	143*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
21350	081*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21372	053*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21374	157*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21384	156*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
21396	036*)	«Саратов-2» холодильниги	150—00
21447	151*)	Кир ювадиган машина	75—00
21448	030*)	«Рекорд» телевизори	210—00
21454	117*)	«Москвич» автомашинаси	3400—00
21455	197*)	25 сўм пул ютуғи	—
21485	047*)	«Днепр» холодильниги	200—00
21502	242*)	10 сўм пул ютуғи	—
21511	076*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21517	093*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
21524	079*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
21530	016*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
21539	177*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
21547	242*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
21549	062*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
21558	040*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21574	017*)	Жун рўмол	20—50
21575	142*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
21582	159*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
21598	052*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
21600	128*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
21623	134*)	«Днепр» холодильниги	200—00
21628	104*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
21635	072*)	Пианино	526—50
21637	208*)	Кир ювадиган машина	75—00
21640	060*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21654	161*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21663	161*)	1,35×3 метрли гилам	59—00
21665	022*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
21666	150*)	25 сўм пул ютуғи	—
21667	176*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
21674	057*)	«Днепр» холодильниги	200—00
21702	051*)	Кир ювадиган машина	75—00
21703	005*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21705	216*)	10 сўм пул ютуғи	—
21727	133*)	10 сўм пул ютуғи	—
21736	205*)	30 сўм пул ютуғи	—
21738	229*)	30 сўм пул ютуғи	—
21742	017*)	10 сўм пул ютуғи	—
21750	010*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
21757	153*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
21774	137*)	10 сўм пул ютуғи	—
21777	195*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21824	025*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21855	046*)	Кир ювадиган машина	75—00
21857	040*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21868	236*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
21876	099*)	Жун рўмол	20—50
21879	003*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21901	105*)	25 сўм пул ютуғи	—
21904	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
21906	076*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
21909	020*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
21915	129*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21919	084*)	30 сўм пул ютуғи	—
21923	063*)	25 сўм пул ютуғи	—
21935	167*)	«Днепр» холодильниги	200—00
21936	176*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21944	132*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21953	181*)	Жун рўмол	20—50
21955	066*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21957	068*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21960	208*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
21967	158*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21968	007*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21976	110*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21979	032*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
21992	118*)	10 сўм пул ютуғи	—
21997	008*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
22021	116*)	Жун рўмол	20—50
22030	127*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22036	032*)	30 сўм пул ютуғи	—
22043	194*)	Кир ювадиган машина	75—00
22053	161*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
22070	151*)	30 сўм пул ютуғи	—
22081	174*)	«Рекорд» телевизори	210—00
22086	133*)	Жун рўмол	20—50
22088	087*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
22092	188*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22095	151*)	«ИЖ—Планета» мотоцикли	575—00
22108	123*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22119	231*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22146	011*)	Жун рўмол	20—50
22153	043*)	Жун рўмол	20—50
22158	064*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22163	064*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22173	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
22174	234*)	Жун рўмол	20—50
22197	114*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
22198	087*)	10 сўм пул ютуғи	—
22208	146*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
22211	078*)	10 сўм пул ютуғи	—
22213	231*)	10 сўм пул ютуғи	—
22228	091*)	30 сўм пул ютуғи	—
22230	246*)	Жун рўмол	20—50
22246	247*)	10 сўм пул ютуғи	—
22251	220*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
22259	161*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
22265	104*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22276	243*)	Кир ювадиган машина	75—00
22280	157*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22294	051*)	«Днепр» холодильниги	200—00
22306	119*)	25 сўм пул ютуғи	—
22339	093*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22351	168*)	10 сўм пул ютуғи	—
22354	173*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
22359	228*)	«ИЖ—Планета» мотоцикли	575—00
22375	115*)	25 сўм пул ютуғи	—
22392	239*)	25 сўм пул ютуғи	—
22408	205*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22420	225*)	30 сўм пул ютуғи	—
22423	207*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
22424	006*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
22426	077*)	10 сўм пул ютуғи	—
22430	025*)	Жун рўмол	20—50
22436	156*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22445	157*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
22452	159*)	25 сўм пул ютуғи	—
22455	010*)	Пианино	526—50
22459	107*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22461	207*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
22464	186*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
22467	112*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
22478	246*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
22482	050*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22485	001*)	Кир ювадиган машина	75—00
22487	222*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
22489	036*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22499	247*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
22506	148*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22509	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
22512	035*)	Кир ювадиган машина	75—00
22525	141*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22527	040*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22530	061*)	Жун рўмол	20—50
22562	122*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22563	123*)	Кир ювадиган машина	75—00
22569	085*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22571	018*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22573	235*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
22593	189*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
22596	071*)	Жун рўмол	20—50
22621	073*)	Кир ювадиган машина	75—00
22622	029*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22623	009*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
22626	008*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22636	132*)	Кир ювадиган машина	75—00
22660	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
22661	009*)	30 сўм пул ютуғи	—
22670	070*)	10 сўм пул ютуғи	—
22677	112*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
22688	121*)	30 сўм пул ютуғи	—
22693	022*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
22696	025*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22735	111*)	Кир ювадиган машина	75—00
22740	023*)	Кир ювадиган машина	75—00
22758	003*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
22780	055*)	Кир ювадиган машина	75—00
22802	086*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
22804	088*)	Кир ювадиган машина	75—00
22813	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
22847	216*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
22850	142*)	«Днепр» холодильниги	200—00
22856	016*)	«ИЖ—Планета» мотоцикли	575—00
22868	209*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22876	148*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22881	064*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22896	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
22913	117*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22915	043*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
22923	071*)	«Рекорд» телевизори	210—00
22927	030*)	30 сўм пул ютуғи	—
22937	232*)	Жун рўмол	20—50
22939	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
22949	185*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22954	033*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
22966	244*)	Кир ювадиган машина	75—00
22968	191*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
22981	212*)	25 сўм пул ютуғи	—
22987	166*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
22997	165*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
23000	237*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
23008	214*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
23009	124*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
23032	244*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
23049	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
23060	012*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
23066	199*)	30 сўм пул ютуғи	—
23072	144*)	25 сўм пул ютуғи	—
23081	177*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
23090	230*)	25 сўм пул ютуғи	—
23094	089*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
23101	212*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
23143	138*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
23171	034*)	30 сўм пул ютуғи	—
23178	228*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
23213	138*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
23215	105*)	10 сўм пул ютуғи	—
23229	140*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
23240	168*)	10 сўм пул ютуғи	—
23244	040*)	2,26Х3 метрли гилам	150—00
23265	217*)	Кир ювадиган машина	75—00
23267	200*)	30 сўм пул ютуғи	—
23271	174*)	10 сўм пул ютуғи	—
23274	152*)	«Саратов—2» холодильниги	150—00
23302	149*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
23308	232*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
23322	026*)	3 метр гилам поёндоз	30—00
23334	028*)	Тилла суви юритилган эркаклар қўл соати «Вимпел»	50—00
23335	138*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
23342	1—250	3 сўм пул ютуғи	—
23350	031*)	30 сўм пул ютуғи	—
23351	166*)	10 сўм пул ютуғи	—
23361	146*)	Кир ювадиган машина	75—00
23370	060*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
23375	146*)	Тикадиган оёқ машина	76—00
23376	091*)	48—50 размерли хотин-қизлар жакети	24—00
23390	057*)	Хотин-қизлар қўл соати «Волга»	42—00
23393	176*)	Кир ювадиган машина	75—00

* Шу сериядаги билетларнинг қолган 249 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

Жадвалда учрайдиган «1—250» гача белги шу сериядаги 250 та билетнинг ҳаммасига бир хил ютуқ чиққанлигини билдиради.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Ютуқ чиққан лотерея билетининг эгаси хоҳласа, шу буюм ютуғининг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. Ҳамма ютуқлар лотерея билетлари омонат кассаларда текширилгандан кейин давлат савдоси ва матлубот кооперацияси магазинларида берилади ёки Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармасининг нарядига биноан Центросоюзнинг Тошкент шаҳридаги Кооппосилторг базаси томонидан юборилади.

3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 500 сўмгача бўлган буюм ютуқларининг қиймати иттифоқчи республикалар, ўлка, область ва шаҳарларнинг ҳамма марказий омонат кассаларида ҳам тўланаверади.

Буюм ютуқларини ҳам ана шу омонат кассалар орқали талаб қилиб олиш мумкин.

4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1966 йил 30 июнгача топшириш керак. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

5. Бошқа иттифоқчи республикаларда ўтказилган пул-буюм лотереялари билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги Марказий омонат кассаларида текшириш ва ютуқларни шу кассалар орқали олиш мумкин.

Буюм ва пул ютуқлари ана шу расмий жадвалга қараб тўланади.

Ютуқлар газетанинг навбатдаги сони чиққандан сўнг тўлана бошланади.

Ютуқ тиражини ўтказиш комиссиясининг раиси — Тошкент шаҳар Киров район совети ижроия комитетининг раиси —

Ж. ШОБУРХОНОВ.

Ютуқ тиражини ўтказиш комиссияси раисининг ўринбосари — Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармасининг бошлиғи —

С. ОТАБЕКОВА.

Комиссиянинг масъул секретари —

А. ВАССЕРФИРЕР.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

29 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт. 6.45 — Гимнастика 7.35 — Эшиттиришлар программаси. 8.25 — Концерт.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Прагда Востока», 9.53 — «Ҳақиқатк Ўзбекистон», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Арфа пьесалари. 10.10 — Рус қўшиқлари ва лапарлари, 10.30 — Ўзбек куйлари. 11.10 — «Қўрқ қалдирғочлари». 11.25 — Чолғу куйлари. 13.00 — Чорвадорлар учун. 13.40 — Концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун. 16.15 — «Музикали Тошкент» (рус.). 17.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 18.10 — «Ҳамза». Адабий-музикали композиция. 18.30 — Концерт. 19.20 — Концерт (қоз.) 20.00 — «Беш йилликнинг биринчи йилида» (рус.). 20.10 — Концерт 20.45 — Етти йилликнинг сўнгги сменалари. 21.20 — Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун концерт. 22.00 — Коммунистик ахлоқ ва тарбия. 22.15 — Ўзбек кинофильмларидан куйлар. 22.40 — Поэзия кечаси 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари. 23.20 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

29 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар. 18.20 — Юлдузча тележурнали. 19.00 — Раҳим Зиёев бригадасида (қурувчилар учун). 19.20 — Концерт. 20.05 — «Ленинизм» колхози юксалишда. 20.25 — Эшиттиришлар программаси

Рус тилида: 20.30 — Телевизион янгиликлар, 20.45 — Воқеалар эстафетаси. 21.45 — Реклама ва эълонлар 21.50 — Узоқ юлдуз нури номли бадиий фильмнинг 2-серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — Қизиқ ўйинчоқлар (болалар учун). 18.30 — Тошкент янгиликлари, 18.40 — Концерт. 19.00 — Қўрқоқ (бадиий фильм). 20.35 — Бир оқшомда, Фестивалдан репортаж (кинофильмлар).

Ўзбек тилида: 21.05 — Северкага хат. Урмон ажойиботлари (телефильмлар). 21.25 — Тошкент янгиликлари. 21.35 — Менинг ўғлим (бадиий фильм).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 304. ИНДЕКС 64543. Р. 11852.